

Муҳаммад ибн АБДУРАҲМОН АЛ-ХУМАЙЙИС

ЁШЛАРГА АҚОИД ДАРСЛАРИ

Таҳовий китоби шарҳи

Учинчи дарс

13. Барча сифатлари бирор нарсани яратмасидан олдин ҳам бор эди. Нарсалар яратилгач, Унинг бирор сифатини кўпайтирмади. У сифатлари ила азалий бўлгани каби сифатлари ҳам Унда абадий бўлади.

14. У Яратувчи исмини махлуқларини яратганидан сўнг олгани йўқ. У Борий исмини оламни яратганидан сўнг олган эмас.

Шарҳи

Аллоҳ таолонинг сифатлари яратганларини яратмасидан аввал ҳам азалдан бери Ўзида собит ўлароқ бордир. Бу сифатларнинг ҳаммаси Унинг Камол сифатларидир. У инсонларни яратганидан кейин “Яратувчи” исмини олган эмас. “Яратувчи” сифати уларни яратмасидан олдин Ўзида бор эди. Ҳоказо, У сифатлари билан ҳам азалийдир. Бу сифатлар асло ва ҳеч бир шаклда тугамайди. Аллоҳнинг борлигининг охири бўлмайди.

У (субҳонаҳу ва таоло) яратганларини яратмасидан олдин ҳам “яратиш” сифатига эга эди. Ҳатто уларни ҳеч яратмаганида ҳам бу исм билан аталаверарди. Аллоҳни бу (“Яратувчи”) исм билан аташ яратганларни феълан яратганидан кейин пайдо бўлмаган. Ҳоказо, “Борий” исмини ҳам махлуқотини яратганидан кейин олган эмас. У уларни яратмасидан олдин ҳам “Борий” исмига эга эди. Унинг исмлари ва сифатлари зоти каби, қадимдир. Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) хабар беришларича, Аллоҳ таоло яратганларининг ўлчовини кўклар ва ер яратилмасидан эллик минг йил илгари тақдир қилган.*

15. Аллоҳ, тарбияланувчи бўлмасидан олдин Тарбияловчидир, яратилганлар бўлмасларидан олдин Яратувчидир.

16. У ўликларни тирилтирганидан сўнг ҳам Тирилтирувчидир. У уларни тирилтирмасидан олдин ҳам Тирилтирувчидир. Махлуқларни яратмасидан олдин ҳам Яратувчидир.

17. У барча ишга қодирдир, барча нарса унга муҳтождир. Ҳар нарса Унга осондир. У ҳеч нарсага муҳтож эмасдир. «Бирон нарса У Зотга ўхшаш эмасдир. У Эшитувчи ва Кўрувчидир» (Шўро, 11).

Шарҳи

Аллоҳ таоло “Раб” сўзининг том маъноси-ла ҳеч кимсани яратмасидан илгари ҳам “Рубубиййат” сифатига эгадир. Ҳоказо, У уларни яратмасидан олдин ҳам “Яратувчи” исмининг эгаси эди. Бу исмлар ва маъноларнинг ҳаммаси Унинг зотида олдиндан ва кейиндан ҳам бор эди.

Аллоҳ таоло яратганларини улар ўлганидан кейин ҳам, уларни йўқдан илк кез қандай яратган бўлса, шундай тирилтиражак. У яратганларини бор қилганидан кейин “Яратувчи” бўлганидек, уларни бор қилмасидан илгари ҳам “Яратувчи” эди.

Хулоса

Аллоҳнинг зотий ва феълий сифатлари қадимдир, азалийдир. Аллоҳ таоло махлуқотни яратмасидан олдин ҳам, яратганидан кейин ҳам бу сифатларга лойиқдир.

Мавзуни яхшироқ англашга ёрдам берадиган саволлар

1. Аллоҳ таолонинг “Рубубиййат” сифати марбулларга (тарбияланувчиларга) эҳтиёжни тақазо этадими?
2. Аллоҳнинг қудрати ҳар нарсага ўтадими?
3. “Унинг ўхшаши йўқ” жумласининг маъноси нима?

* Муслим. “Китоб ул-Қадар”, Боби Ҳижожи Адама, Мусо (2653); Аҳмад. “Муснад”, 2-ж., 169-с. ва бошқалар Абдуллоҳ ибн Амрдан марфуъ ўлароқ ривоят қилишган.



МУНДАРИЖА

Ақида Муҳаммад ибн АБДУРАҲМОН ал-ХУМАЙЙИС Ёшларга ақоид дарслари	1
Таваллудининг 600 йиллиги Фотима ТЕМУР Туркистонлик улуг валий	4
Наҳйи мункар Аҳмад МУҲАММАД Харидор ҳаққидан қўрқмайсизми?.....	10
Беҳзод АБДУСАМАД Бозордаги воқеа	11
Қаҳрамон аёллар Ҳазрати Умму Ҳоний	12
Мактубларда манзаралар Эргаш АТОЕВ Сабрнинг сўнги саодат	14
Руҳиддин АКБАРОВ Оқил ва нодоннинг фарқи	14
Рустам ЗОИРОВ Аллоҳнинг синови	14
Абдувоҳид ЎРОЗОВ Саховат қилишдан қўрқмайлик	15
Имомларимиз билан суҳбатлар Эргашали МИРЗАЕВ Қалбни тавоф этиш мардларнинг иши	16
Тарих Ўтамиш ҳожи ибн Муҳаммад ДЎСТИЙ Ўтамиш ҳожи тарихи	18
Ибратли ривоятлар Минг йиллик масофадан кўринади	21
Шеърят Исмоилхон ФАҚИРИЙ Аҳли дуони излагил	24
ТАЖАЛЛИЙ Аллоҳ сари	25
Амри маъруф Баҳодир НУРМУҲАММАД Нега шошиламиз?.....	28
Фозил ЗОҲИД Кечиримли бўлайлик	29
Мунаввар олам Вафо ФАЙЗУЛЛОҲ Йиғлаган кўзларга тушган нур	30



Журналимиз саҳифаларида оят ва ҳадислар берилаётгани учун уни ножоиз жойларга ташламаслигингизни сўраймиз

Амри маъруф

5

ҚУРЪОННИНГ ҲАҚЛАРИ

Кичик ёшли фарзандларимизга Қуръон ёдлатиш хайр-барака белгисидир. Аввало, бу иш уларнинг хотираси кучайишига олиб келади, қолаверса, бу бошқа илмларни ўзлаштиришга ҳам ёрдам беради.

Масала

Муҳаммад Шариф ЖУМАН

6

НАМОЗНИНГ ФАРЗЛАРИ
ВА ВОЖИБЛАРИ

Имомга эргашган киши қироат қилмайди. Имом хоҳ овозини чиқариб, хоҳ ичида ўқисин, унга қулоқ солиб, тек туради. Қироат ичда қилинганида уни ўзи эшитиши шарт. Агар ўзи эшитмаса, қироат ўрнига ўтмайди ва намоз ҳисоб бўлмайди.



Хабарлар

8

ИСЛОМ ВА ОЛАМ

Ҳиндистон сайловлар арафасида



Ҳозир мамлакатда бир юз қирқ милён мусулмон яшайди. Бу жами аҳолининг ўн уч фоизини ташкил этади. Ҳар етти сайловчининг бири мусулмондир. Демак, номзодлар улар билан ҳисоблашишга мажбур бўлишади.

Муносабат

22

ЭСКИ ҒИЙБАТЛАРНИНГ ЯНГИ ТАСВИРИ

“Ёшлар” канали “Гвадалупе” телесериалини намойиш қилди. Шу сингари филмлар хусусида гап кўзгалса, қизларимга ҳам, ўқувчиларимга ҳам уларни томоша қилишдан ҳеч бир фойда йўқлигини айтаман. Чунки бу филмлар қаҳрамонларининг юриш-туриши, кийиниши, ўзларини тутиши, ҳис-туйғуларини ифодалашлари бизнинг миллий қадриятларимизга ёт.

Қадрият
Аҳмад ТУРСУН

26

ИЗИ ЙЎҚОЛГАН БОЙЛИКЛАР

Туркистон бош губернатори Розенбахнинг хотини Олга Ивановнанинг нафси айниқса наҳанг бўлган. У хонлар ва амирлардан ундирган ноёб бойликларни Тошкентда кимошди савдосида сотиб, беҳисоб пул жамғаради. Шу тариқа халқимизнинг нодир санъат ёдгорликлари, қимматбаҳо қўлёмалар Британия, Туркия, Эрон, ҳатто Амриқога олиб кетилди.



Олисларга саяҳат

31

СУРИЯ АРАБ РЕСПУБЛИКАСИ



Ан-Наъимийнинг “Ал-Дорис фит-тарих ал-Мадорис” китобида ёзилишича, биргина Дамашқнинг ўзида Куръони қарим ўргатадиган еттита, ҳадисдан таълим берадиган ўн олтита, олтиш учта шофеъийяа фикҳини, элик иккита ҳанафийяа фикҳини, тўртта моликийяани, ўн битта ҳанбалийяа фикҳини ўргатадиган мадраса бўлган.

«HIDOYAT»

Ойлик диний-ижтимоий,
илмий-адабий нашр

Муассис

Ўзбекистон мусулмонлари идораси

Бош муҳаррир

Нуруллоҳ МУҲАММАД РАУФХОН

Таҳрир ҳайъати

Абдурашид қори БАҲРОМ
Абдулазиз МАНСУР
Абдураззоқ ЮНУС
Анвар ТУРСУН
Дурбек РАҲИМЖОНОВ
Муҳаммад Шариф ЖУМАН
Юсуфжон ИСҲОҚ
Эркин МАЛИК
Абдул Жалил ХЎЖАМ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Муҳаммад Собит САЛОҲИДДИН
Исомиддин ОЛИМ ШАЙХ

Муқовани

Абдулбоқи ИМОМХОН ўғли,
Хайруллоҳ ҚУДРАТУЛЛОХ ўғли тайёрлашди.
Тартибловчи
Қудратуллоҳ ЖУМА ўғли
Матни
Юлдуз КОМИЛ қизи
терди.

Манзилимиз: 700069, Тошкент шаҳри,
Шайхонтоҳур тумани Навоий кўчаси 46-уй;
Тел: 49-18-26, 42-08-07.
Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида
рўйхатга олинган.
Гувоҳнома рақами 170

Босишга 2004 йил 11 майда рухсат берилди.
Босмахонага 2004 йил 14 майда топширилди.
Қоғоз бичими 84x108^{1/16}. Адади 8500 нусха. 148-сон буюртма. «КО‘НИ NUR» МЧЖда босилди.
Манзили: Тошкент, Муқимий к., 178-уй.
Интернет почтаи: hidoyat@ars-inform.uz

Баҳоси келишилган нарҳда.
Макет асл нусхаси Pentium-IV
компютерида саҳифаланди.

Қўлёмалар қайтарилмайди, тақриз қилинмайди.
Мақолалар хат орқали юборилганида исми шарифлар тўлиқ
ёзилиши, манзил аниқ кўрсатилиши шарт.

Фотима ТЕМУР

ТУРКИСТОНЛИК УЛУҒ ВАЛИЙ

Туркистоннинг буюк валийларидан Хожа Аҳрор “Силсилаи олиййа” аталган ва инсонларга исломийат амрлари ва тақиқларини англатороқ дунё ва охирада саодатга етишларига васила бўлган улуғ олим ва валийларнинг ўн саккизинчисидир. Исмлари Убайдуллоҳ ибн Маҳмуд ибн Шаҳобиддиндир. Оталари Маҳмуд Шоший ўз даврининг олимларидан, валий бир зот эдилар. Оналари Ҳазрати Умарнинг (р.а.) наслидан. Кунялари Аҳрор. Хожа Аҳрори Валий Шоший-Самарқандий номлари ила машҳурдилар. Ҳижрий 806 (милодий 1404) йили Шошда туғилганлар, 895 йили (милодий 1490) Самарқандда вафот этганлар, қабрлари ўша ерда.

Ўзларида шундай бир нур порлардики, кўрганлар муҳлис бўлиб, дуо қилишарди. Тилларидан Аллоҳ таолонинг исмлари тушмас, давомли зикр билан машғул бўлардилар.

Боболари ҳам валий ва олим зот ўтганлар. Вафоти олдидан набиралари билан алоҳида-алоҳида видолашган. Кичик Убайдуллоҳни келтиришганида “Мени ўрнимдан турғизинг”, деган. Турғизишганида набираларини кучоқлаб йиғларкан, шундай деган: — Мен истаган болам шудир. У улуғ зот бўлиб етишганида мен ҳаёт бўлмайман. Унинг оламдаги тасарруфи ва хизматларини кўрмайман. Бу гўдакнинг шони оламини тутажак, исломийатга улуғ хизматлар этажак. Жаҳон подшоҳлари унинг амрига итоат этажаклар. Бундан зуҳур этажак ишлар аввалги олимлардан зуҳур этмагандир.

Кичик Убайдуллоҳнинг тарбиясида тоғаси Иброҳим кўп ғайрат кўрсатган. Илм таҳсили учун уни Шошдан Самарқандга олиб келди. Бу ерда икки йил машҳур олим, воизларининг илм мажлислари ва суҳбатларида қатнашди. Кейин Бухоро, Ҳирот ва бошқа шаҳарларда ҳазрати Баҳоуддин Бухорийнинг таниқли шогирдлари суҳбатидан баҳраманд бўлди. Хожагон йўли улуғларининг мажлисида иштирок этди. Хуросонга бормасидан аввал Саййид Қосим Табризийнинг хизматида бўлди. Шундан кейин тўрт йил Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг суҳбатларидан баҳра топди. Сўнгра асосий пири муршиди ҳазрати Яъқуб Чархийга талаба бўлиб, бу зотнинг суҳбатларида камол топди.

Йигирма тўққиз ёшларида илм таҳсилини тавомлаб, тасаввуфда юксак даражаларга эришдилар. Юртга қайтиб, ҳалол ризқ қозониш мақсадида деҳқончилик билан машғул бўлдилар ва одамларга тўғри йўлни кўрсатиш билан шуғулландилар. Тез вақтда ишлари шу қадар баракотли бўлдики, уни бошқариш учун алоҳида вакил тайин қилдилар. Бора-бора мулклари кўпайиб, хўжаликлари бир минг уч юздан ошиб кетди. Ҳар бирида уч мингдан одам ишларди. Ўзлари бу хусусда шундай дейдилар: “Бизнинг молимиз фақирлар учундир. Бунда молнинг ўзига хослиги мана шу нуқтададир”.

Саййид Абдулқодир Машҳадий Султон Абу-саид Мирзо замонида Убайдуллоҳ Аҳрор ҳазратларининг суҳбатларини олиш учун Самарқандга бордилар ва у зотнинг мажлислари ила шарафландилар. У киши шундай ҳикоя қиладилар: “Хуфтон намози ўқилгач, шогирдларга: “Саййид Абдулқодир бизнинг меҳмонимиз. Бу кечани биз билан бирга ихё этмоқни истамоқда. Биз баъзи дўстлар билан ўтирмамоқчимиз, — дедилар ва менга юзланиб: — Сиз ёшсиз, дам олинг”, дедилар. “Агар изн этсангиз, сиз билан бирга бўлсам”, дедим. Сўнг: “Агар ўтиришга ўзингизда куч топсангиз, ўтиринг”, деб рози бўлдилар. Мен ҳам у киши билан ўша мажлисда иштирок этдим. Шу кеча тонгга қадар Убайдуллоҳ Аҳрор ҳазратларининг ҳолларини кўрдим. Давомли иккала тиз устида, алмаштирмай ўтирдилар. Таҳажжудга турдилар, намоздан сўнг яна ўша ҳолатда бомдодгача виқор билан дарс ўқиб ўтирдилар. Мен ёш бўлишимга қарамай, ҳар саодат тиззаларимни алмаштириб турдим, уйқу билан курашдим. Сўнгра бомдод ўқиш учун кўзгалдилар, хуфтон таҳорати билан бомдодни ўқидилар”.

Хожа Аҳрор Валийнинг султонларга сўзи ўтарди, мусулмонлар роҳатини ўйлаб уларга насихатлар қилардилар, душманлик қилувчиларга сулҳ таклиф этиб, яраштирардилар. Ўзлари шундай деганлар: “Агар биз шайхлик қилсайдик, замонамизда ҳеч бир шайх ўзига талаба тополмас эди. Аммо бизга бошқа иш амр этилди. Бизнинг ишимиз мусулмонларни золимлар ёмонлигидан ва қаҳридан қўримоқдир. Шу сабабли подшоҳлар билан кўришиш ва уларнинг қўнглини овлаш, истаганимиздай истиқоматга ўтириш бизга вазифа бўлди. Аллоҳ таоло бизга шундай бир қувват бердики, агар истасак, илоҳлик даввосида бўлган Чин подшоҳини бир мактуб билан шундай таъсиримиз остида қолдирар эдикки, султонликни тарк этиб, ялангоёқ югуриб остонамизга келарди. Шу билан бирга, биз Аллоҳ таолонинг бу хусусдаги тақдир (этан)ини кутмоқдамиз. Бизнинг мақомимизда одобли бўлиш лозимдир. Бу одоб эса, қулнинг ўз иродасига эмас, Раббининг иродасига таслим бўлишидир”.

“Рашаҳот” китобининг муаллифи шундай ёзади:

«Бир куни султон Аҳмад Мирзо Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор ҳазратларининг зиёратларига — Мотурид маҳалласига келди. Хузурларига киргач, пойгаҳда икки тизи устида одоб билан ўтирди. Ҳазрат Убайдуллоҳ Аҳрор унга илтифот кўрсатдилар. Шунга қарамасдан, султон Аҳмад Мирзо у зотнинг қаршисида дир-дир титрар, ҳайбатларидан ваҳимага тушиб, пешонасидан терлар томчилар эди».

Умрини Ислом динининг амр ва тақиқларини ўрганиш ва ўргатишга, ваъз-насихатлари ила одамларнинг нажот топишларида васила бўлишга бағишлаган бу зот муҳаррам ойининг бошида хасталандилар. Беморликлари саксон тўққиз кун давом этди. Ҳижрий 895 йил рабиъул-аввал ойининг охирида жума куни шом билан хуфтон оралигида омонатни Эгасига топширдилар. Ўша куни Самарқандда кучли бир зилзила бўлди...

Тўнғич ўғиллари Муҳаммад зоҳирий илмларда улуг олим эди. Тасаввуф илмини оталаридан ўрганиб, камолга етказди. “Хожагон” лақаби билан танилди.

Кичик ўғиллари Хожа Муҳаммад Яҳё ҳам зоҳирий ва ботиний илмларда юксак даражада эди. Оталаридан файз олиб, тасаввуфда пешқадам бўлди. Хожа Аҳрори Валий ҳаётларининг сўнгги кунларида уни ўринларига вакил қилиб қолдирдилар.

Туркчадан
Фотимахон СУЛАЙМОН қизи
таржимаси



Қуръони карим биз мўминларнинг илоҳий дастури, икки дунё саодатимиз манбаидир. Уламоларимиз айтишларича, Қуръоннинг мўминустидан бешта ҳаққи бор: уни тиловат қилиш, эшитиш, қодир бўлганча ёдлаш, тушуниш, амал қилиш.

Биринчи ҳаққи тиловатдир. Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

ҚУРЪОННИНГ ҲАҚЛАРИ

“Бас, Қуръондан муяссар қилганча ўқинглар” (*Муззаммил, 30*). Яна шу суранинг 4-оятда “Қуръонни тартил билан тиловат қил”, дейилади. Тартил билан ўқиш деганида ҳарфларни махражидан чиқариб, тажвид қоидаларига амал қилган ҳолда, хушбўй билан ўқиш тушунилади.

Қуръон тиловати ибодатдир. Имом Муслимдан ривоят қилинган ҳадисда Пайғамбаримиз (с.а.в.) “Қуръон ўқинглар, зеро у Қиёмат куни ўз эгасини шафоат қилади”, деганлар. Яна бир саҳиҳ ҳадисда: “Қуръонни маҳорат билан тиловат қилувчи қори улуг фаришталар билан тенг мақомдадир, қийналиб ўқувчи кишига иккита ажр бор”, дея хушхабар бердилар. Демак, ҳар бир мўмин тиловат билан кўпроқ машғул бўлиши, бунга муайян вақтини ажратиши лозимдир.

Қуръон ўқилганида унга қулоқ солиш унинг иккинчи ҳаққидир. Аъроф сурасининг 204-оятда шундай амр қилинади: “Қачон Қуръон тиловат қилинса, унга қулоқ солиб тинглангиз ва жим турингиз. Шояд (*Аллоҳнинг*) раҳматига сазовор бўлсаларингиз”.

Қуръонга қулоқ солиб эшитувчи уни тиловат қилувчи эга бўлган савобга мушарраф бўлади.

Қуръоннинг учинчи ҳаққи уни имкон қадар тушунишга ҳаракат қилишдир. Бу борада саҳобийлардан ўрнак олишимиз даркор. Улар Қуръондан бирон-бир суро ёки оятнинг

маъносини билишмаса, дарров бир-бирларидан сўраб билиб олишар эди. Қуръонни тушуниш асосан тафсир (илмларини) китобларни мутолаа қилиш орқали бўлади.

Унинг тўртинчи ҳаққи ёдлаш. Ҳар бир мусулмон намоз учун лозим бўлган сураларни ёддан билиши фарзи айнидир. Қуръон тиловатисиз намоз дуруст бўлмайди. Қуръонни тўлалигича ёдлаш фарзи кифоя, яъни, айрим кишилар ёдласа, бошқалардан соқит бўлади. Қуръонни ўрганиш, ёдлаш тўғрисида кўпгина ҳадислар ворид бўлган. Бухорийдан

келтирилган ривоятда Расули Акрам (с.а.в.): “Сизларнинг яхшиларингиз Қуръонни ўрганиб, сўнг бошқаларга ўргатувчилардир”, дейдилар. Ибн Можадан қилинган ривоятда эса: “Эй Абу Зарр! Эрталаб туриб Аллоҳнинг китобидан бир оят ўрганмоғинг сен учун юз ракат (нафл) намоздан афзалдир”, дея марҳамат қиладилар.

Кичик ёшли фарзандларимизга Қуръон ёдлатиш хайр-барака белгисидир. Аввало, бу иш уларнинг хотираси кучайишига олиб келади, қолаверса, бу бошқа илмларни ўзлаштиришга ҳам ёрдам беради.

Қуръонга амал қилиш унинг бешинчи ҳаққидир. Яъни, Қуръонда буюрилган амалларни бажариш, қайтарилганлардан қайтиш ва Қуръон хулқи билан хулқланишдир. Аллоҳ таоло шундай хабар беради: “Албатта, бу Қуръон энг тўғри йўлга ҳидоят қилур ва яхши амалларни қиладиган мўминларга катта ажр — мукофот борлигини хушхабар берур” (*Исро, 9*). Биз мўмин-мусулмонлар бахтли инсонлармиз. Аллоҳ Қуръон билан бизларга бу дунёда бахтли, саодатли, чиройли ҳаёт кечиришни, охиратда эса, нажот топиб, жаннатга дохил бўлишимизнинг хушхабарини бермоқда. Бунинг учун биз Аллоҳнинг каломи Қуръонга оғишмай, ихлос билан амал қилишимиз лозим.

ЗИЁУДДИН
тайёрлади

НАМОЗНИНГ ФАРЗЛАРИ ВА ВОЖИБЛАРИ

1. Намознинг фарзлари

1. Таҳрима (“Аллоҳу акбар” деб намозга кириш).
2. Қиём (туриш).
3. Қироат (намозда Қуръон ўқиш).
4. Рукуъ (энгашиш).
5. Сажда (пешонани ерга қўйиш).
6. Қаъдаи охир (охирги ўтириш).

1. Таҳрима нима ва унинг ҳукми қандай?

Таҳрима бир нарсани ҳаромга чиқарувчи демакдир.

Намоз такбир, тасбиҳ ва Қуръон тиловатидир. Намоз давомида намозга ёт нарсаларни қилиш ҳаром. Қулоқ қоқиб айтиладиган биринчи такбир билан намозга ёт нарсалар ҳаромга айланади. Шунинг учун у “такбири таҳрима” (ҳаром қилувчи такбир) деб аталади. Барча мужтаҳидлар таҳрима учун “Аллоҳу акбар” бирикмасини мақбул кўришган. Такбири таҳрима тик туриб айтилади. (Шу боис жамоатга кечиккан одам имомни рукуъ ҳолида топса, унга етиб олиш мақсадида тезда энгашиб, кейин такбири таҳримани айтса, у намозга кирган бўлмайди.)

2. Қиём нима ва унинг ҳолати қандай?

Қиём тик туриш демакдир. Таҳримадан сўнг то рукуъга боргунча тик туриб қироат қилинади. Эркакларнинг қиёмдаги ҳоли бундай: оёқ оралари тўрт бармоқ сиғадиган даражада очиқ бўлади; ўнг қўлнинг ич кафти чап қўлнинг таш кафти устига қўйилади; ўнг қўл бош бармоғи ва жимжилоғи билан чап қўлнинг ошиғи ушланади, қолган

уч бармоқ чап қўл билагига узра туради; шу ҳолда боғланган қўллар киндик остида тутилади. Қиёмда нигоҳ сажда қилинадиган жойга қаратилади.

Аёллар эса, оёқларини жуфт қилиб турадилар ва қўлларини эркаклар каби боғлаб, сийналари устига қўйиб турадилар.

3. Қироатнинг ҳукмлари нима?

Қироат Қуръони карим оятларини ўқишдир. Намозда қироатнинг фарз бўлган миқдори бир узун ё уч калта оят ўқишдир. Фарз намозларининг исталган икки ракатида, вожиб, суннат ва нафл намозларининг ҳамма ракатларида қироат қилиш фарздир.

Имомга эргашган киши қироат қилмайди. Имом хоҳ овозини чиқариб, хоҳ ичида ўқисин, унга қулоқ солиб, тек туради. Қироат ичда қилинганда уни ўзи эшитиши шарт. Агар ўзи эшитмаса, қироат ўрнига ўтмайди ва намоз ҳисоб бўлмайди.

4. Рукуъ қандай қилинади?

Рукуъ энгашиш демакдир. Эркакларнинг рукуъ ҳолати бундай: тиззалар чангалланиб, маҳкам ушланади ва ортга итарилади. Бунда қўл ва оёқлар букланмай таранг бўлиши, орқа сув тўла идиш қўйилганида тўкиладиган даражада текис бўлиши керак. Бош паст ҳам, юқори ҳам қилинмайди, орқа билан текис тутилади, нигоҳ оёқ устларига қаралади.

Аёллар эса, оёқларини сал букадилар ва қўл бармоқларини жипслаштириб, тиззалари устига қўядилар. Рукуъда аёллар билакларини баданларига ёпиштириб турадилар.

5. Сажданинг ҳолати қандай бўлади?

Сажда икки оёқ, тизза, қўл ҳамда бурун ва пешонани ерга қўйиш билан адо этиладиган амалдир. Эркакларнинг сажда ҳолати бундай: оёқ панжалари букилиб, қўл панжалари жипслаштирилиб, қиблага йўналган бўлади. Бош икки қўл орасига қўйилади, бунда ўлчов шуки, қулоқлар ёнидан бирор нарса ташланса, кафтлар устига тушиши керак. Саждада оёқлар ердан кўтарилмайди, кўз юмилмайди, бурун юмшоқларига қараб турилади. Намозни танҳо ўқиганида қўлтиқ очиқ туради. Қорин сонга, сон болдирга, билаклар ерга, тирсак баданга теккизилмайди.

Аёллар эса қўлтиқларини очиқ тутмайдилар, билакларини ерга, қоринларини сонларига теккизиб сажда қиладилар. Оёқ бармоқларини букиб, ерга тирамайдилар, ёнбошлатиб ўнг тарафдан чиқарадилар.

6. Охирги қаъда нима ва унинг ҳолати қандай?

Охирги қаъда намознинг охирги ракатидан сўнг ташаҳхуд ўқиш муддатича ўтиришдир. Эркакларнинг қаъда ҳолати бундай: чап оёқ ёнбошлатиб тўшалиб, унга ўтирилади, ўнг оёқ панжаларини қиблага қилиб букиб, тик тутилади. Қўл бармоқларининг учи тизза кўзи баробарида, эркин ҳолда, қиблага қилиб, сонларига қўйилади. Бунда нигоҳ кўкракда бўлади.

Аёллар эса, қўлларини шу ҳолда тутиб, чап қуйруқларига ўтирадилар ва оёқларини ўнг тарафдан чиқарадилар.

II. Намознинг вожиблари

— Қироат қилиш лозим бўлган ракатларда Фотиҳа сурасини бир бор ўқиш. Фотиҳа сурасидан сўнг яна бир сура тиловат қилиш.

— Уч ва тўрт ракатли фарз намозларнинг олдинги икки ракатида қироат қилиш.

— Уч ва тўрт ракатли намозларнинг биринчи қаъдаси (ўртадаги ўтириш).

— Қаъдаларда ташаҳхуд ўқиш.

— Имомга бомдод, шом, хуфтон ва жума намозларини товуш чиқариб (жаҳрий), пешин ва аср намозларини ичда ўқиш.

— Витр намозида кунут дуосини ўқиш.

— Рукуларни маромида қилиш.

— Муаййан адашган ҳолларда саждаи саҳв қилиш (*кейин баён этилади*).

— Намозни салом билан тугатиш.

Кўшимча саволлар ва жавоблар

Савол. Якка ҳолда намоз ўқилганида овоз билан (жаҳрий) ўқиш шартми?

Жавоб. Якка одам жаҳрий намозларни ўз вақтида адо этса, овоз чиқариб ёки чиқармай ўқиши ихтиёрий. Аммо вақтидан ўтказиб (қазо қилиб) адо этаётган бўлса, фақат ичида ўқийди.

Савол. Намознинг фарзлари саналганида намознинг исталган икки ракатида қироат қилиш фарз дейилди. Вожиблари саналганида “уч ва тўрт ракатли фарз намозларнинг олдинги икки ракатида қироат қилиш вожиб” дейилди. Масалан, фарз ҳукмига риоя этган ҳолда исталган икки ракатда (дейлик, биринчи ва учинчи ёки яна бошқача) қироат қилинса-ю, бошқаларида қироат қилинмаса, тарки вожиб ҳисобланадими? Бундай намознинг ҳукми нима бўлади?



Жавоб. Ҳа, тарки вожиб бўлади. Агар адашиб шундай ўқилса, саждаи саҳв билан ўнгланади, аммо атайлаб тарк қилса, намози ҳаромлик билан адо этилган бўлади. Зеро, ҳар қандай вожибни атайлаб тарк қилиш ҳаромдир.

Савол. Намозда Фотиҳа сурасидан сўнг ўқиладиган суралар белгиланганми?

Жавоб. Намозда Фотиҳа сурасидан сўнг бирон-бир сурани бу намозда бу сура ўқилади тарзида белгилаб қўйилмаган. Аммо калта-узунлиги кўрсатилган. Фурсат бемалол бўлса, бомдод ва пешин намозларида Буруж сурасидан олдинги сураларни, аср ва хуфтон намозларида Баййина сурасидан олдинги сураларни ўқиш суннатдир. Фурсат оз бўлган ҳолда эса, шундан келиб чиқиб ўқилади (“*Шарҳи виқоя*”).

Савол. Саждада бурун ерга тегмаса, сажда ҳисобга ўтадими? Пешонада жароҳат бўлса, уни ерга теккизиш имкони бўлмаса, нима қилинади?

Жавоб. Саждада бурунни ерга узрсиз теккизмаслик макруҳ бўлади. Пешонада жароҳат бўлса, бурунни ерга теккизиб сажда қилинади. Бунинг ҳам имкони бўлмаса, намоз ўтириб ўқилади ва руку-сужудга имо қилинади (“*Халаби кабир*”).

Савол. Сажда қилаётганида оёқларнинг панжаларини ердан кўтарса, намозга халал етадими?

Жавоб. Сажда ҳолида иккала оёқнинг ҳам панжалари ердан

кўтарилса, намоз бузилади (“*Ҳидоя*”).

Савол. Жамоат намозиди қаъдада ташаҳхуд ўқимай, ухлаб қолган киши имом билан кўшилиб салом берадими?

Жавоб. Йўқ. У уйғонгач, ташаҳхуд ўқиши ва сўнг салом бериши лозим. Агар мазкур ҳолда имом билан кўшилиб салом берса, намози бузилади. Ухлаб бажарилган намоз арконлари ҳисобга ўтмайди (“*Халаби кабир*”).

Савол. Намозда фарзи хилофия ҳам бор деб эшитдик. Фарзи хилофия нима ва у нечта?

Жавоб. Мазҳабимиз мужтаҳидлари фарзлигига яқдил бўлмаган амал “фарзи хилофия” дейилади. Намозда иккита “фарзи хилофия” бор: намоздан ихтиёр билан чиқиш ва таъдили аркон.

Намознинг барча арконларини адо этган намозхон ундан ўз ихтиёри билан, масалан, салом билан чиқиши лозим. Бу ҳукмга кўра, намознинг барча арконларини адо этиб бўлгач, салом бермасдан олдин ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолда таҳорати синиб қолса, намози бузилган бўлади.

“Таъдили аркон” дейилганида рукуъ, сужуд, қовма ва жалсаларни маромида адо этиш тушунилади. Мазкур ижтиҳодга мувофиқ, таъдили аркон этмаган кишининг намози ҳам номақбулдир.

Муҳаммад Шариф ЖУМАН

ИСЛОМ ВА ОЛАМ



Ҳиндистон сайловлар арафасида

Ҳиндистонда умумхалқ сайловлари бошланди. У беш босқичда ўтади. Ҳозир мамлакатда бир юз қирқ милён мусулмон яшайди. Бу жами аҳолининг ўн уч фоизини ташкил этади. Ҳар етти сайловчининг бири мусулмондир.

Демак, номзодлар улар билан ҳисоблашишга мажбур бўлишади. Шу боис бу йилги сайловолди кампанияси ҳам 1999 йилгидан кескин фарқ қилади.

Кейинги пайтларда ҳиндистонлик сиёсатшунослар, хусусан, Бхаратия Жаната партияси (BJP) мусулмонлар овози учун курашни кучайтирди. BJP раҳбари, бош вазир Атал Бихари Важапайи “Бир неча йил мобайнида мен индуслар ва мусулмонларни тинч-тотув яшаб, ўзаро ҳамкорлик муносабатларини ўрнатишларига ва мамлакат тараққиётига ҳисса қўшишлари учун шароит яратишга ҳаракат қилдим”, дея таъкидлади.

[www. Islamonline.net](http://www.Islamonline.net).

Мутахассисларга муҳтожлик

Ҳар бир оммавий ахборот воситаси аҳолини, жумладан, мусулмон бўлмаганларни Исломга оид ҳаққоний ахборотлар билан таъминлаши учун динни яхши билган мутахассисларга эга бўлиши керак.

Даниядаги “Дамаскус” институти директори доктор Жоерген Баек Симонсен айтишича, ОАВ Ислом билан боғлиқ воқеаларни ҳаққоний ёритиши жуда қийин. “Ҳозир ҳеч қайси дин Ислом каби бутун дунё диққат-эътиборини ўзига қаратмаган”, дея таъкидлади Осие ОАВ 2004 йил саммити доирасида ўтказилган “Оммавий ахборот воситалари ва Ислом” мавзусидаги мунозарада қатнашган доктор Симонсен.

Шунингдек, у сўнгги йилларда бир қанча долзарб муаммолар пайдо бўлаётганига қарамай, мусулмон бўлмаганлар билан бундай муаммоларни муҳокама қила оладиган мусулмон мутахассислар жуда камлигини айтиб ўтди.

“New Straits Times”

Петербургда Ислом тадқиқотлари

Петербургда “Восточная литература” нашриёти “Исломни ёйувчилар (Ўрта Осие ва Қофқозда

тасаввуф)” тўпламини нашрдан чиқарди. Тўплам муаллифлари (этнографлар, тарихчилар, шарқшунослар, ўлкашунослар, Россия ва ғарбий Оврупа илмий мактаби вакиллари) Фарғона, Доғистон, Туркистон, Ўрта Осиедаги исломий ҳаётнинг ўзига хос жиҳатларини таҳлил қилишади. Мамлакат фанлар академияси шарқшунослик институтининг Санкт-Петербург бўлимида очилган сайт шу ҳақда хабар қилади.

Бутун сайт Ислом илмий тадқиқотларига ва Ислом динига оид далилий маълумотларга бағишланган. Шунингдек, бу сайтга Ислом тадқиқотчиларининг уч авлоди тайёрлаган “Абу Юсуфнинг “Китоб ал-Харож” асари таржимасига тақриз ҳам киритилган. Бу китоб халифа Хорун ар-Рашиднинг буйруғи билан ёзилган бўлиб, мусулмон ўлкаларининг солиқ тизимига бағишланган. Тўпламга беш юз элликка яқин солиқ турлари, ҳуқуқбузарликка доир масалалар ҳам киритилган.

[www. Islam.ru](http://www.Islam.ru)

Таъсири энг кучли одамлар



“Тайм” журнали дунёдаги юз нафар таъсири энг кучли деб топилган шахслар рўйхатини эълон қилди. Унга киритилган сиёсатчилар орасида Жорж Буш ҳам бор. Журналда унга “Тақдир ва инсоният билан профессионал ўйинчи” деб таъриф берилган. Шунингдек, “Тайм” журнали

Бушнинг бўлғуси сайловлардаги рақиби Жон Керрини “Демократларнинг расмий бирлаштирувчиси” деб атаган.

“Демократиянинг ёрқин юлдузлари” бўлими бўйича АҚШнинг собиқ президенти Билл Клинтон ва унинг рафиқаси сенатор Ҳиллари Клинтон номлари келтирилган. Энг таъсири кучли сиёсатчилар рўйхатига Россия президенти Владимир Путин, БМТ Бош котиби Кофи Аннан, Туркия Бош вазيري Тойиб Эрдоғон, Бразилия раҳбари Лулу да Силва киритилган. Энг таъсири кучли оммавий ахборот воситалари қаторида Қатарнинг “Ал-Жазира” телеканали ҳам бор.

“Times”

Шимолий Осетия-Аланияда муслмонлар курултойи

Апрелнинг 25-куни Владикавказда Шимолий Осетия-Алания Республикаси муслмонларнинг III курултойи бўлди. Курултойда республиканинг барча туманларидан юзга яқин вакил иштирок этди. Владикавказ муслмонлар жамоаси раиси ва республика муслмонлар Диний бошқармаси Кенгашининг аъзоси Руслан Валгасов ҳозирги кунда республикада 20 та муслмон ташкилоти бўлиб, улардан 14 таси расмий рўйхатдан ўтказилганини, 18 масжиддан 4 таси ҳозирча фаолият юритмаётганини айтди.

Шунингдек, у яқинда Моздок шаҳрида ҳам янги масжид курилиб, фаолият юритаётганини таъкидлади. Лекин Шимолий Осетия-Алания пойтахтидаги қадимий жомеъ масжиди аянчли аҳволда. Ҳатто таҳоратхоналар йўқ. Бино иситилмайди, қиш кунларида совуқ шароитда намоз ўқилади.

Курултойга қатнашган муфтий Дзанхот ҳожи Хекилаев ёшларга мурожаат этиб, Шимолий Осетия худудида Ислонни қувватлантириш ва диний аҳкомларга қатъий амал қилишга чақирди.

Курултой ишида Поволже имоми Муқаддас Бибарсов бошчилигидаги Россия муфтийлар кенгаши вакиллари, шунингдек, Қорачой Черкас ва Ставропол минтақаси муфтийи Исмоил ҳожи Бердиев бошлиқ Шимолий Қофқоз муслмонлар мувофиқлаштириш маркази вакиллари ҳам қатнашди.

[www. Islam.ru](http://www.Islam.ru)

Сунъий йўлдош учиради

Мисрдаги Дорул-Ифто ташкилоти ва Қохира Университети Фанлар факультаси фазовий тадқиқотлар ва маслаҳатлар Маркази ҳамкорликда Ислон сунъий йўлдошини учираш учун зарур бўлган сўнги ишларни яқунлашмоқда. Миср муфтийи доктор Али Жуманин айтишича, сунъий йўлдошдан нафақат телекўрсатувларни узатиш, балки янги қамарий ойнанинг бошланиши ва ислоний байрамларнинг аниқ кунларини белгилаш, дунёнинг Маккадан узоқ бўлган турли бурчакларида қибла ва намоз вақтларини аниқлаш ва об-ҳаво ўзгаришларини олдиндан тахминлаш мақсадларида ҳам фойдаланилади.

Муфтий хорижий ва халқаро компанияларни ҳамкорликка чақирди ва сунъий йўлдошнинг бир ярим йилдан сўнг учиралишига умид билдирди.



Марказ раиси Мирфот Ивад бу йўлдош муслмонларга кўп жиҳатдан фойдали бўлишини таъкидлади. Масалан, техника институтлари талабалари унинг ёрдамида астрономияга оид ахборотларни таҳлил этишлари мумкин. Унинг айтишича, ердаги стансалар тез орада Миср, Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амирликлари, Қувайт ва яна бир қатор бошқа муслмон мамлакатларида ҳам курилади.

ИНА

Қорилар танлови

Ўзбекистон Муслмонлари идораси тасарруфидаги Тошкент Ислон институти ва ўрта-махсус Ислон билим юртлари талабалари ўртасида қориларнинг кўрик-танлови бўлиб ўтди. Танловда турли ўқув юртларидан ўн саккиз талаба қатнашди.

Мураттаб қорилар танловида Тошкентдаги “Кўкалош” Ислон ўрта-махсус билим юрти талабаси Қосимжон Каримов биринчи ўринни олди. Қуръондан камида ўн пора ёдлаган қорилар мусобақасида ҳам шу билим юрти талабаси Авазбек Ҳошимхонов пешқадам бўлди. Аёл-қиз қориялар танловида биринчи ўрин ҳеч кимга муносиб кўрилмади, иккинчи ўрин эса Хадичаи Кубро аёл-қизлар Ислон ўрта-махсус билим юрти талабаси Мураттар Мактумовага насиб этди. Танлов ғолибларига пул мукофотлари ва эсдалик ҳадялари топширилди.

Ўз мухбиримиз

Амриқода энг машҳур

Луисвилла Университети телестудияси қошидаги **Муҳаммад Али маркази** Ислон дини ҳақидаги сохта қарашларни бартараф этишга бағишлаб ўтказилган анжуман ҳомийи бўлди. Анжуманда машҳур спортчининг ўзи ҳам қатнашди. Хаста бўлгани боис унинг мурожаатномасини йиғилганларга Марказ президенти Али Мишел Фокс ўқиб эшиттирди.

Анжуманда АҚШ муслмон ва насронийлари вакиллари, осиелик муслмон олимлар ҳам иштирок этишди.

Амриқода энг машҳур муслмон Муҳаммад Али жуда кўп инсонлар учун ибрат намунаси бўлди. “Унинг бугунги анжуманга ташрифи биз қилаётган ишнинг муҳимлигини кўрсатади”, деб таъкидлади Луисвилла Университети ижтимоий фанлар ва диний тадқиқотлар профессори Риффат Ҳасан.

The Courier-Journal

ХАРИДОР ҲАҚҚИДАН ҚЎРҚМАЙСИЗМИ?

Ўзим гувоҳман, бу воқеа Тошкентнинг Чорсу бозорида содир бўлди. Оппоқ соқолли бир қария тим қаршисидаги майдончада сабзавот харид қилаётган эди. Халтасига картишка солиб бераётган сотувчи аёлни огоҳлантирди: “Қизим, тарозинг тўғрими, ишқилиб?” деди.

Сотувчи аёл: “Отахон, бизда ҳам инсоф бор, жа, сиз ўйлаганчалик эмасмиз”, деб бидирлади. “Кўнглингга келмасин, охиратда азобланишингни истамаганимдан сўраяпман-да”, деб қўйди қария. Аёл ҳам бўш келмай: “Хоҳлаган жойингизда текшириб кўринг!” деди-да, кўл тарозидида тўрт кило картишка тортиб, қарияни кузатди. Отахоннинг барибир кўнгли тўлмаганини сезиб, беихтиёр воқеанинг давомини кута бошладим.

Адашмаган эканман, кўп ўтмай узоқдан қораси кўринди. Сотувчи аёл ҳам унинг барибир қайтишини сезган эканми, қўлига қатта-қатта олтиеттита картишкани олди-да, “қайсар” харидорни кута бошлади. Отахон келасолиб аёлга танбеҳ бера кетди: “Қизим, кўзимни бақрайтириб тарозидан уриб қолибсан-а, уч кило деб берган картишкани икки ярим кило чиқди!”.

Аёл унинг оғзини тезроқ ёпиш учун қўлидаги картишкаларни тортиб ҳам ўтирмай қариянинг халтасига солиб берди-ю, даҳанаки “жанг”га хотима қўйди...

Бозорларда бундай воқеалар ҳар куни, ҳар қадамда содир бўлиб турибди. Сотувчиларнинг аксарияти йўлингизда туриб, хитойи кўлтаразиларда савдо қилишади. Ҳар бир килодан икки юз-уч грамм уриб қолишмаса, кўнгиллари ўрнига тушмайди. “Қизим, шу тарозингга ҳеч ишонмайманда, салга сими чўзилиб, алдайдиган бўлиб қоларкан”; “Ҳой ноинсоф, тўртта олма бир кило чиқадими?”; “Тарозидан уриб топган пул билан болачақа боқиб нимага эришасан?” каби дакки-дашномлар сотувчиларга ҳатто таъсир қилмай қўйди. Бозорларимизда тарозидан уриш устига яна молнинг айбини беркитиб, ёмонини яхши деб алдаб сотиш, ёлғон қасам ичиш каби иллатлар урчиган. Кўравериб кўзларимиз, эшитавериб қулоқларимиз кўникиб ҳам қолди. Аммо инсофни унутган, Аллоҳнинг амр-фармонларидан чекинган со-



тувчилар “харидорни бошлаб лақиллатиб пулини олдик”, дея қувонмай қўя-қолишсин! Улар, энг аввало, ўзларини алдашяпти, охиратдаги насибаларидан маҳрум бўлишяпти.

Исломи шарияти тижорат-савдогарликни энг ҳалол касблардан ҳисоблайди, унинг машруълиги Қуръон, Суннат ва уммат ижмоиё билан собит бўлган. Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) ҳам тижорат билан шуғулланганлар. Ҳадислардан бирида шундай ворид бўлган: «Пайғамбаримиздан (с.а.в.): “Қайси касб яхши?” деб сўрашди. У зот: “Кишининг қўли билан қилган меҳнати ва барча яхши (яъни, ёлғон ва хиёнат аралашмаган) савдо”, деб жавоб бердилар».

Ҳалол тижорат, ҳалол савдо инсоний муносабатларнинг энг самарали ва яхшиси, охират неъматларига эришиш воситаси, Аллоҳ таоло ҳузурда даражани кўтарувчи амал ҳамдир. Аммо Аллоҳ ҳалол қилган савдога хиёнат, алдамчилик, ёлғон аралаштирганлар учун қаттиқ азоб-жазолар ваъда қилинган:

“**(Эй инсонлар, ўзаро олди-берди муомалаларингизда) тўғри, адолат билан тортиглар ва тарозидан уриб қолманглар!**” (Раҳмон, 9);

Ўлчов ва тарозидан уриб қолувчи кимсаларга ҳалокат бўлмай! Улар одамлардан (бирон нарсани) ўлчаб олган вақтларида тўла қилиб оладиган, уларга ўлчаб ёки тортиб берган вақтларида эса кам қилиб берадиган кимсалардир. Улар ўзларининг улуг бир Кунда — барча одамлар бутун оламлар Парвардигори ҳузурда тик туриб (ҳисоб-китоб берадиган Қиёмат) Кунда қайта тирилгувчи эканларини ўйламайдиларми?!” (Мутаффиҳун, 1-6);

“Ўлчов ва тарозини адолат билан тўла тор-тингиз!” (Анъом, 152);

“Бас, ўлчов ва тарозини комил қилиб (тор-тингиз) ва одамларнинг ҳақларидан уриб қолмангиз!” (Аъроф, 85);

“Ўлчаган вақтларингизда ўлчовни тўла-тўқис қилинглари ва тўғри тарозидан тортинглари!” (Ал-Исро, 35);

“Ўлчовни тўла ўлчанглари ва камайтириб (тортувчилардан) бўлманглари! Ва тўғри тарози билан тортинглари!” (Шуаро, 181-182).

Қуръони карим тижорат аҳлини қайта-қайта тарозини тўғри тортиш ҳақида огоҳлантириши бежиз эмас. Чунки савдода икки томон — сотувчи ҳам, харидор ҳам рози бўлмаса, олди-сотди ҳалол бўлмайди.

Ҳаром савдо эса, алдамчилик, товламачиликнинг ўзгинаси бўлиб, у Исломи шариатида қаттиқ гуноҳ ҳисобланади. Бундан ташқари, бирор киши алдов, хиёнат эвазига бойлик орттириб, унга эгалик қилолган эмас, яъни, топгани ўзига буюрмаган. Савдо шаръан ҳалол бўлишининг бир неча одоб-қоидалари бор. Молга катта нарх қўйиб, ортиқча фойда олиш шариатимизда ман этилган. Сидқи муомала, яъни, молнинг нави, жинси, масдари ва харажатлари ҳақида ёлғон аралаштирмай, ҳақиқий сифати билан борини тавсифлаш керак. Олувда ҳам, сотувда ҳам қаттиқлик қилмай, молдан, нархдан ўтиб бериш ҳам ҳалол савдонинг шартларидан ҳисобланади. Савдода, гарчи рост бўлса ҳам, қасам ичишдан тийилиш керак. Имом Бухорий ва Имом Муслим Абу Ҳурайрадан (р.а.) ривоят қилишган ҳадисда бундай дейилади: “Қасам молни бозоргир қилади, аммо баракасини кетказди”. Яна шариатимизда савдогарларга хайр-эҳсонни кўпайтириш буюрилган. Бунинг ҳам ҳикмати бор. Бизнинг бозорларда содир бўлаётгани каби молнинг айбини яшириш, қасам ичиш, нархни кўтариб юбориш, бадхулқлик каби ишларга каффорат бўлиб туриши учун улар хайр-эҳсонни кўпайтиришлари лозим. Имом Термизий, Абу Довуд, Ибн Можа Қайс ибн Абу Ҳаразадан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар (с.а.в.): “Эй тожирлар жамоаси, албатта, савдога шайтон ва гуноҳ ҳамроҳдир, савдоингизга садақа аралаштириб туринглари!” деганлар.

Солиҳ салафлар ва аждодларимиз ҳаётнинг ҳамма соҳалари каби савдо-тижоратда ҳам ҳалол бўлишгани, динимиз буйруқларига қатъий амал қилишгани, бу соҳада ҳамisha ўрнатилган кўрсатишгани ҳақида жуда кўп ривоятлар, мисоллар бор.

Буюк мазҳаббошимиз Абу Ҳанифа ҳақларидаги ривоятларни эслаш кифоя. Имоми Аъзамнинг Ҳафс ибн Абдурахмон исмли ўттиз йил-

лик шериклари бор эди. Бир куни Имом унга мол юбориб, баъзи кийимларнинг нуқсонини борлиги ҳақида огоҳлантирдилар. Аммо Ҳафс нуқсонини унутиб, ўша молни аралашига ўттиз минг тангага сотиб юборди. Бундан хабар топган Абу Ҳанифа у билан шерикчиликни уздилар ва бояги ўттиз минг танганинг ҳаммасини садақа қилиб юбордилар.

Иккинчи мисол. Бир аёл Имомга ипак кийим келтириб, юз тангага сотмоқчи бўлди. Имом: “Бу кийим юз тангадан қиммат туради, нархини қанча қўясан?” дедилар. Аёл юз тангадан кўшаверди ва охири беш юз тангага сотди.

Исломининг яна бир улуғ Имоми Абу Ҳомид ал-Ғаззолий: “Савдогар кийимнинг яхши тарафини кўрсатиб, ёмон жойини яшириб сотса, у ёлғончидир”, шунингдек, молини қоронғу жойда кўрсатса, фирибгардир” деганлар.

Уламолар, салафлар ана шундай йўл тутишган. Бозорларимизда тарозидан уриб қолаётганлар, алдов ва хиёнатдан ҳазар қилмаётган сотувчилар ўлимни, қиёматни, ҳисоб-китобни ва кўз кўриб-қулоқ эшитмаган азобларни эрдан чиқаришмасин. Бу дунёда алдаб топаётганлари у дунёда топажак оқибатлари олдида неча пул туришини бир ҳисобга олиб қўйишсин.

“(Ўлчов ва тарозидан) уриб қолувчи кимсаларга ҳалокат бўлмай!” (Мутаффиун, 1).

Аҳмад МУҲАММАД

Бозордаги воқеа

Бозорда бир киши келиб, одам вазнини ўлчайдиган тарозини картишка, сабзи сотувчилар ёнига ўрнатди. Сотувчи хотинлар эса уни кўрган заҳоти ҳай-ҳайлашиб, нари ҳайдашга тушишди. Тарози эгаси гап нимадалигини тушуниб-тушунмай у ердан кетишга мажбур бўлди.

Сотувчилар нега бундай қилишди? Нега бегона тарозининг пайдо бўлишидан бунчалар кўрқиб кетишди? Сабаби жуда оддий: “Бечора сотувчилар” олдиларига тўғри ўлчайдиган тарози келиб қолганидан қаттиқ ваҳимага тушишган эди.

Бозорларда қўл тарозиларга ишонч йўқлигини биламиз. Ўзим ҳам бир-икки шундай ишларга дуч келганман. Сотувчиларнинг ҳамма тарозиларни бирдай нотўғри ўлчайдиган қилиб олишлари жиноят эмасми?

Беҳзод АБДУСАМАД

ҲАЗРАТИ УММУ ҲОНИЙ БИНТИ АБУ ТОЛИБ

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Эй Умму Ҳоний! Сен ҳимоя этганингни биз ҳам ҳимоя этамиз, сен омонлик берганинга биз ҳам омонлик берамиз”, деб марҳамат қилдилар.

Исро ва Меърож воқеалари ҳақида гапирилганида албатта Умму Ҳонийнинг ҳам номи тилга олинади. Чунки Расулуллоҳ, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, Меърож кечаси унинг уйида меҳмон бўлган эдилар ва у Расулуллоҳдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Меърож воқеасини хабар берган ровийлардандир.

Хўш, Умму Ҳоний ким? Асл исми нима? Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) билан қариндошлик даражаси қандай?

Насаби

Умму Ҳоний Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) амакилари Абу Толибнинг Фаҳита исмли қизи бўлиб, Ҳазрати Алининг опаларидир.

Исми қандайлиги ҳақида турлича фикрлар бор: Ҳинд, Атиқа ёки Фотима дегувчилар ҳам бўлган. Лекин энг машҳур бўлгани Фаҳитадир.

Расулуллоҳдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бир неча ёш кичикдир. Гўзал ахлоқли аёл эди.

* * *

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) оналари Оманинг вафотидан сўнг Ҳадича бинти Ҳувайлидга уйлангунларига қадар Абу Толибнинг уйида яшадилар.

Бу йиллар давомида ўзларини Абу Толиб онасининг бир аъзосидек қўрар, асло ёлғизликни ҳис этмас эдилар. У пайтда Фаҳита кичкина бир қиз эди.

Оила ҳаёти

Хубайра ибн Ваҳб Махзум ўғилларининг энг кўзга кўрин-

ган кишиларидан эди. Қавми ичида мавқеи улуғ бўлиб, сўзини ўтказа оларди. У Фаҳитани сўраб келганида Абу Толиб розилик билдирди. Фаҳита Ундан икром ва эҳтиром кўрди. Унинг ҳимоясида бахтиёр ҳаёт кечирди.

Орадан кунлар, кунлар кетидан ойлар ўтди. Расулуллоҳга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) пайғамбарлик тушди. Оила аҳлини, қариндошларини, қавмларини Исломга даъват этдилар. Бир қисми ишонди ва тўғри йўлни топди, бир қисми ишонмади ва кофир бўлди.

Хубайра адашганлар орасида эди. Бу адашганлар имон келтирмайгина қолмай, зулм ва жафо билан янги диннинг ёйилишига тўсқинлик қилардилар. Аммо Хубайра Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) билан ўрталаридаги ақраболикка риоя қилиб, Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) шахсиятларини тақдирлар, ҳурмат кўрсатарди.

Фаҳита ҳам дастлаб эрига эргашиб, Исломга кирмади.

Бир куни Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Умму Ҳоний уйларида меҳмон бўлиб қолдилар. Бу кеча Аллоҳ таоло Пайғамбармизга энг буюк эҳсон ва икромлар берган хайрли, узун бир кеча эди.

Умму Ҳоний бу кеча ҳақида шундай ҳикоя қилади:

“Исро воқеаси Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) менинг уйимда қолганларида бўлди. Бу кеча Аллоҳ Расули хуфтон намозини ўқиб, ухладилар. Биз ҳам ухлаётган эдик. Эрта билан Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бизни уйғотдилар ва:

— Эй Умму Ҳоний! Кўрганингдек, хуфтон намозини ҳам бу ерда ўқидим. Ҳозир ҳам сиз-

ларнинг ёнингизда бомдод намозини адо қилдим, — деб марҳамат қилдилар.

Сўнгра уйдан чиқиш учун ўринларидан турдилар. Мен кетмасинлар деб ридоларининг бир учини тутдим. Қоринлари кўринди. Кўйлаклари Мисрда тўқилган, катандан қилинган охорли кўйлакка ўхшар эди.

— Эй Аллоҳнинг пайғамбари, буни одамларга айтманг. Сизни ёлғончига чиқариб, азият беришади, — дедим.

— Аллоҳга қасамки, бу воқеани уларга айтаман, — дедилар.

Шунда мен бир ҳабаш жориямга: “Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) орқаларидан бор. Одамларга нима ҳақида гапирганларини ва уларнинг жавобларини эшит”, дедим.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бизнинг олдимиздан чиқиб, бошқа кишиларга ҳам бизга айтган гапларини айтдилар. Кўпчилик ўзини йўқотиб қўйди ва:

— Буни қандай исботлайсан, эй Муҳаммад. Биз бундай нарса ҳақида ҳеч эшитмаганмиз, — дедилар.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам):

— Далил шуки, мен фалон водийда, фалон кишиларнинг карвонига дуч келдим. Уларнинг туялари бир ҳайвондан ҳуркиб, қочиб кетган экан. Мен уларга туялари турган жойни кўрсатдим. Бу воқеа мен Шомда бўлган пайтимда юз берди. Сўнгра йўлимда давом этдим. Макка яқинидаги Тихома деган жойда Дажнон тоғига дуч келганимда фалон-фалон кишиларнинг қофиласига тўқнаш келдим. Улар ухлаб ётардилар. Сув солинган бир идишлари бор эди. Устига бир нарса ўралган экан. Ёпқични олиб, ичидаги сувни ичдим. Кейин қандай бўлса, шундай қилиб устини ўрадим. Ҳозир уларнинг қофиласи Макка яқинида, Танъим йўлидаги Байзо тепалигидан тушяпти. Олдинда рангги қорага мо-



йилроқ кулранг туя келяпти. Туянинг устида бири қора, бошқаси олача иккита ҳарор бор, — дедилар.

Бу гапни эшитганлар дарҳол Расулulloҳ, (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтган йўлга югурдилар. Илк кўрганлари туя бўлди. У Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) тасвирлаганларидек кўринишда эди. Кейин карвондагилардан идишни сўрашди. Улар идишда сув тўла бўлганини, сўнг устини ўраб қўйганларини, уйғонганларида эса, ичида сув қолмаганини тасдиқлашди.

Маккага қайтишда бошқа қофилани ҳам учратишди. Берилган саволга улар ҳам: “Тўғри айтипти, валлоҳи, у айтган водийда туямиз ҳуркиб қочди. Шунда бир овоз эшитдик. У овоз туямизнинг турган жойини айтди. У ерга бориб, туяни топдик”, дея жавоб беришди”.

Ҳижратдан сўнг

Мусулмонлар Мадинага ҳижрат қилганларида Фаҳита эри ва болалари билан Маккада қолди. Расулulloҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) эришган зафарлари ҳақида эшитса, беҳад қувонарди. Фаҳита мусулмонлар Маккага кирадиган буюк зафар кунини интизорлик билан кутарди.

* * *

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Маккага кирдилар. Барча бутларни синдирдилар. Билоннинг (розийаллоҳу анҳу) овози тавҳид, такбир ва шаҳодатлар билан жаранглаб, Каъба узра юксалди: “Аллоҳу акбар, Аллоҳу акбар, Аллоҳу акбар, Аллоҳу акбар. Ашҳаду ан ла илаҳа иллаллоҳ, ашҳаду ан ла илаҳа иллаллоҳ. Ашҳаду анна Муҳаммадан Расулulloҳ, ашҳаду анна Муҳаммадан Расулulloҳ...”

Бу овозларни эшитган Умму Ҳонийнинг эри Хубайра орқалдига қарамай Маккадан қочди. У Аллоҳ таолонинг динига киришдан қочаётган, Расулulloҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) зафарларини кўришни хоҳламаётган эди.

* * *

Хубайра Умму Ҳонийни ҳам ўзи билан кетишга даъват этди, аммо Умму Ҳоний қабул этмади. Чунки у Аллоҳ таолонинг динига кирган, мусулмон бўлган эди.

* * *

Хорис ибн Хишом Макка фатҳ этилган кун қони ҳалол қилинган кишилардан эди. Аммо Хорис Умму Ҳонийнинг Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қошларидаги мавқеини билгани учун, ҳимоя қилишини сўраб, унинг уйига борди. Буни кўрган Али ибн Абу Толиб (розийаллоҳу анҳу) Хорисни ўлдирish учун изма-из келди. Умму Ҳоний: “Эй онамнинг ўғли! Мен унга омонлик бердим”, деб уни ҳимоясига олганини билдирди.

Али (розийаллоҳу анҳу) эса бу гапларга қулоқ солмай, қиличини суғурди. Умму Ҳоний унинг қўлларидан тутди: “Аллоҳ хайрингни берсин, ўлдирма. Мен унга омонлик бердим”, деди.

Али (розийаллоҳу анҳу) ундан қутулишга ҳаракат қилди, аммо оёқларини ердан кўтаролмади. Шу пайт Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) кириб қолдилар. Умму Ҳоний:

— Ё Расулulloҳ, мен Хорис ибн Хишомни ҳимоямга олдим. Али эса уни ўлдирмоқчи. Нимага буюрасиз? — деди.

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам):

— Сен ҳимоя этганингни биз ҳам ҳимоя этамиз, сен омонлик берганингга биз ҳам омонлик берамиз. Аммо Алининг жаҳлини чиқарма. У қизишса, Аллоҳ таолонинг ғазаби келади. Уни қўйиб юбор, — деб буюрдилар.

Шундан сўнг Умму Ҳоний Алини қўйиб юборди. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳазиллашиб:

— Ё Али, бир аёл сендан голиб келди, — дея марҳамат қилдилар.

Али:

— Аллоҳга қасамки, оёқларимни ердан кўтаролмадим, — деди.

Қахрамонлар қахрамони, довюрақлар довюраги Али ибн Абу Толибнинг (розийаллоҳу анҳу) бу гапи Умму Ҳоний ҳақидаги одил бир шаҳодатдир. Аллоҳ ҳар иккисидан ҳам рози бўлсин.

* * *

Умму Ҳоний эридан айрилганидан сўнг бутунлай фарзандларининг тарбияси билан банд бўлди. Фарзандларининг қалбига фазилат уруғларини экди. Ислом ва имон билан уларни ўстирди. Фарзандларининг бари олим, фозил кишилар бўлиб етишдилар.

Баъзи фарзандлари Умму Ҳонийдан ҳадис ривоят этишган. Улар орасида набиралари Жаъда ал-Маҳзумий, Яҳё ибн Жаъфар ва Ҳорунлар ҳам бор.

Умму Ҳоний укаси Ҳазрати Алининг халифалик давригача яшади. Ҳижратнинг қирқинчи йили вафот этди.

Аллоҳ ундан рози бўлсин ва уни ҳам рози этсин. Омин.

Маҳмуд МАЪМУРЖОН
таржимаси

САХОВАТ ҚИЛИШДАН ҚЎРҚМАЙЛИК

Сабринг сўнги саодат

Дунёнинг ишлари ажойиб. Бир-бирларига меҳр-муҳаббатли Зикриллабек ва Муслимабону ибодатли қўшниларимиз. Оила қурганларига олти йилдан ошса ҳам, фарзанд кўришмади. Дўхтирга чопганлари, даволанганлари фойдасиз бўлиб чиқди. Шунда ҳам эр-хотин бир-бирларидан қусур ахтаришмади.

Аммо Зикрилланинг онаси ҳаммасига келин айбдор, деган гапни қўймади. Муслимабону охири отасиникига кетди. Зикрилланинг онаси ўғлининг норозилигига қарамай, янги келин тушириб келди. Бундан ҳам ҳеч бир натижа чиқмади. Зикрилла қарийб ўн кун уйга қадам босмади. Янги келиннинг жавоби берилиб, ота ҳовлисига элтиб қўйилгач, уйига қайтди. Яқинларининг маломатига ҳеч нарса демади.

Орадан уч ойлар ўтгач, яна Муслимабонуни уйига олиб келди. Икки қалбнинг бир-бирига муҳаббати, садоқатини кўриб, бу сафар ҳеч ким уларга қаршилик қилмади.

Муслимабону яхши ният билан овсинининг чақалоғини фарзандликка олди. Овсин эмизар, Муслимабону бор меҳрини бериб парваришлар эди. Ибодатларида эса, шу фарзандга етказганига шукр қиларди. Овсинининг ўғли бир ёшга етганида унинг ўзи оғироёқ бўлиб, доя шифокорлар рўйхатига тушди.

Ҳозир Муслимабону билан Зикриллабекнинг икки ўғиллари бор. Уларни сабр, Аллоҳга холис тоат-ибодат шундай бахтга мушарраф этди, деб ўйлайман.

Эргаш АТОЕВ,

Қизилтепа тумани

Ҳозирни ғанимат билган дуо

Хотирамда муҳрланиб қолган бир воқеани айтиб бермоқчиман.

Бир куни шогирд касал ётган устозини кўргани борибди. Салом-алиқдан кейин: «Анча тузалиб қолдингизми?» деб ҳол-аҳвол сўрабди. Жавобига устози йўқлаб келгани учун ташаккур билдирибди. Шу кунга етказгани учун Аллоҳга шукроналар қилибди. Бир оз гурунглашишгач, шогирд:

— Устоз, сизнинг ҳузурингизда кўп ўтириб, яна сизни чарчатиб қўймай, энди мен қайтсам, — деб унга қарабди.

Устози эса:

— Майли, сизга рухсат, аммо кетарингиз олдидан устозингиз ҳаққига бир дуо қилсангиз, — дебди.

Шунда шогирд:

— Устоз, сизга Аллоҳ шифои комил берсин, келгуси жума намозларини бирга ўқишга муваффақ қилсин — деб дуосини тугатибди. Ўз навба-тида шогирд ҳам устозидан дуо сўрабди.

Устози дуога қўл очиб:

— Аллоҳ сизни комил имон ва солиҳ амалларга муваффақ этсин, — дея охирида ўзи ҳақида ҳам тўхтаб: — Эй Аллоҳим, мени вақти яқинлашиб қолган пешин намозига етказгин, — деб дуо қилибди.

Шогирд учун бу унутилмас сабоқ бўлибди. У ҳар қачон дуога қўл очганида худди устози каби вақти энг яқин қолган намозга етказишини астойдил сўрайдиган бўлибди.

Руҳиддин АКБАРОВ,

Қариш

Аллоҳнинг синови

Абдулла ака эл ичида юриб, кўп нарсани кўрган-билган кишилардан. Соҳасининг билимдони, етук компютер устаси. Баъзида бизга бошидан ўтган қизиқ воқеаларни сўзлаб беради.

— Аспирантурда ўқиётганимда Масковга иш ўрганишга юборишди, — деб ҳикоя қила кетди Абдулла ака бир сафар. — Рамазон ойи бўлгани боис, ибодатдан қоламан, деб кўнглим хижил тортса ҳам, ноилож сафарга отландим. Бориб ўрнашган жойимиз яқинида масжид бор экан. Иш ҳам унчалик қийин эмас, денг. Беш вақт намозни ўрис имомга иқтидо қилиб, турли миллат вакиллари биргаликда ўқиймиз. Бунинг завқи бўлакча эди. Айниқса, Қадр кечаси ўзгача кечди. Ўшанда бошимга тушган бир синов ҳеч қачон ёдимдан чиқмайди. Масжидда одам тирбанд бўлар, ҳатто оёқ кийимини қаерга қўйишни билмай қолар эдик. Лекин масжидга мусулмон ниқобида кириб, туфлиларни ўғирлаб кетувчилар ҳам учраб турарди...

Қадр кечаси масжидга кириб туфлимни пештахтага қўяр эканман, бу кеча айни ибодатга берилиш онлари, туфлимни ўғирлаб кетишса-я, деган хавотир хаёлимга келди. Бир зум иккила-ниб турдим.

Сўнгра сергак тортиб, ҳолимдан ўзим уялиб кетдим. Ҳамма нарсани буюк тартиб билан сақлаб турувчи Оламларнинг буюк Яратувчиси ва Қўриқловчиси бўлган Аллоҳ бор-ку. Ушбу дамда сен яна қандай нажоткор қидирмоқдасан?

Туфлимни топиб олишим осон бўлган жойга қўйдим-да: “Роббим, ўзинга омонат топширдим”, дея ибодатга шошилдим. Хуфтон ўқиб бўлинди. Таровеҳ намози бошланди. Куръоннинг сўнги пораси ўқилмоқда. Ҳамманинг қалби ҳаяжонда. Сафларда кўнгли юмшаган биродарларнинг пиқиллабгина йиғлашлари эшитилади. Мен ҳам бир бурчакни танлаб, намоз ўқидим, зикр қилдим. Тун яримдан ўтди. Таҳоратимни янгилаб келиш учун ташқарига чиқдим. Қарасам, қўйган жойимда туфли йўқ. Кўзларим косасидан чиқиб кетаёзди.

Бўлиши мумкин эмас! Аллоҳ ҳеч қачон вадасига хиёнат қилмайди. У ёқ-бу ёқни қараб, тополмадим. Дилим гашланди. Энди нима қиламан, дея бир зум ўйландим. Аллоҳга ҳамдлар бўлсин, шу дам мени адаштириб қўймади. Дарров истиффор айтиб, ҳушимни йиғиб олдим.

“У ҳар нарсага қодир Зот. Унинг ўзигагина таваккал қил! Бу ишнинг ҳам сен билмаган ҳикмати бордир”. Кўнглимдан шундай гаплар ўтиб, ўзимни босиб олдим. Дуч келган туфлини оёққа илиб, таҳоратимни янгилаб қайтдим. Яна ибодатга киришдим. Туфлим ёдимдан ҳам кўтарилиб кетди. Бир пайт масжид ходими келиб, ичкаридагиларни саҳарликка таклиф қилди. Ҳамма қатори ташқарига йўналдим. Не кўз билан кўрайки, туфлим яна жойида турарди.

“Субҳоналлоҳ”, дедим севиниб. Аллоҳ шу муборак кечада мени шундай бир синовдан ўтказди.

Рустам ЗОИРОВ,
Тошкент

Саховат қилишдан қўрқмайлик

Инсоф билан айтсак, бугун ҳамма нарса етарли. Лекин барибир нолиниб турамыз. Боболаримиз кўрган қаҳатчилик, қимматчилик замонларига қиёсан ҳозирги баъзи етишмовчиликлар арзимас нарса экани билиниб қолади. Энг ёмони, кўмакка биздан ҳам кўпроқ муҳтож кимсаларни кўрмай қоламиз, кўрсак ҳам, ёрдам қўлини чўзавермаймиз. Гўё шундай қилсак, ўзимизнинг аҳволимиз оғирлашиб қоладигандек.

Саховат қилишдан қўрқмайлик. Юрагимизни сал кенгроқ қилсак, ҳам биродаримиз мушқули ҳал бўлади, ҳам савоб топамиз. Қолаверса, Аллоҳ ҳам қараб турмайди. Шуларни ўйласам, бувимнинг бир ҳикояси хаёлимда жонланаверади.

— Уруш йиллари эди. Бобонг фронтга кетган, икки ёш бола билан бир ўзим қолганман. Тирикчилигимиз зўрға ўтар, ҳарқалай, бисотимизда ягона бўлган қўнғир сигиримиз коримизга яраб турар эди. Ем-хашак камлигиданми, сути икки косадан ошмайди. Қўшнимиз Латофат опанинг аҳволи бизникидан ҳам оғир. Бечора уч нафар фарзанди билан бир ҳолатда кун ўтказар эди. Уйимиз ёнидаги анҳор гоҳ кўпириб, гоҳ саёзлашиб оқадиган қиш охирларида Латофат опанинг бошига мусибат тушди. Умр йўлдоши Муҳсин домладан қорахат келди. Бу воқеадан бир ҳафта ўтиб, Латофат опанинг соғлиги ёмонлашди. Шу кундан бошлаб мен сигиримиз сутининг бир косасини ҳар куни қўшнимизга бериб турадиган бўлдим. Кўп ўтмай, Латофат опа ҳам оламдан ўтди. Бояқишдан қолган уч етим болага ким ҳам ғамхўрлик қила оларди. Фақат кичкина Дилшоджонни бувисининг қўлига топширдик. Ҳовлида қолган икки ўғилга аввалгидек сут улашиб турдик. Бу орада сигиримизнинг сути уч косага етди. Мен буни кунлар исиб, ўт-ўланлар бўй чўзиб қолганидан бўлса керак деб ўйладим. Яратганнинг лутфу иноятидан қарангки, орадан ёз ўтди, куз ўтди, қиш келди, бироқ сигиримизнинг сути икки ярим косадан камаймади. Беш нафар боламиз ҳар куни ярим косадан сут ичиб турди. Икки ярим йилдан ортиқ вақт давомида сигиримиз сутини қуритмади. Жонивор қўнғиримиз учинчи йил бузоқлади. Ўзимнинг ҳам ҳеч ишонгим келмади. Ўшанда мен сигирнинг туғишидан атиги уч кун олдин ҳам одатдагидек, икки ярим коса сутни соғиб олган эдим... Оғир кунда қўшницага ёрдам бериш туйғусини қўнғимизга солган Аллоҳнинг ўзи буни осон қилиб қўйган эди-да, болам...

Абдулвоҳид ЎРОЗОВ,
Китоб, «Хожа Бухорий» Ислому ўрта-махсусу билим юрти талабаси





Эргашали МИРЗАЕВ 1956 йили Тошкент шаҳридаги Хонақо маҳалласида туғилган. Имом ал-Бухорий номидаги Тошкент Ислам институтини битирган. Катта Қаъни даҳасидаги “Абдуллоҳ ибн Масъуд” жомъе масжидининг имом-хатиби.

осон. Лекин инсоннинг кўнглини шод этиш, қалбиди меҳр-муҳаббати кучли, имони бутун, химматли, мард одамнинг иши. Яшириб нима қиламиз, барча маҳаллаларда турмуши ночор-

ҚАЛБНИ ТАВОФ ЭТИШ

— 2004 йил юртимизда “Меҳр ва мурувват йили” деб эълон қилинди. Биз меҳр-мурувватни қандай тушинишимиз керак. Шу ҳақида тўхталсангиз.

— Аллоҳ таолонинг гўзал исмларидан бири Раҳмон (меҳрибон)дир. У қулларини ҳам ўзаро меҳрибон, раҳм-шафқатли бўлишга чақиради. Пайғамбаримиз (с.а.в.) марҳамат қилганлар: “То мўмин бўлмагунингизча жаннатни кўрмайсизлар, то бир-бирларингизга меҳр-мурувватли бўлмагунингизча мўмин бўлмайсизлар” (Имом Муслим).

Демак, мўмин-мусулмон киши меҳр-мурувватли бўлиши шарт. Биз феъл-атворимиз, хулқимиз, обрўйимиз, меҳру оқибатимиз билан азизимиз. Намозни тўқис ўқисаг-у, қийналган кўшнимизга ёрдам қилмасак, қариндошнинг ҳолидан хабар олмасак, комил мусулмон бўла олмаймиз. Намоз зиммадаги қарз, гарданимиздаги фарз! Ўқишимиз шарт. Бироқ жаннатдан умидвор банданинг жамиятда шунга яраша хуш муомаласи, хулқи, одоби, яхшилиги ҳам бўлиши лозим.

Жаноби Сарвари Олам “Бир амал бор, шу билан ўқиган намозингиз қабул, тутган рўзангиз қабул, қилган ҳажингиз қабул”, деб марҳамат қилганлар. “У нима?” деб сўрашди. Расулulloҳ (с.а.в.): “Меҳр-оқибат”, дедилар. Намоз ўқиса-ю, бир-биридан аразлаб, гаплашмай юрса, рўза тутса-ю, адоват сақлаб, ҳасад қилиб юрса, хола-тоға, амма-амакиларнинг ҳоли танг бўлса-ю, бу ёқда катта-катта маъракалар ўтказса... бу нима дегани? Бу ҳақиқий мўминнинг иши эмас.

Аллоҳ таоло Куръони каримда марҳамат қилади: “Ота-онанингизга ҳамда қариндош-уруғ, етим

ва мискинларга, қариндош кўшнни ва бегона кўшннига, ёнингиздаги ҳамроҳингизга, йўловчи мусофир ва қўлларингиздаги қулларингизга яхшилик қилингиз! Албатта, Аллоҳ... мутакаббир ва мақтанчоқ кимсаларни севмайди” (Нисо, 37). Пайғамбаримиз (с.а.в.): “Ким етимнинг бошини силаб уни қарамонига олган бўл-са, жаннатда мен билан мана шундай ёнма-ён туради”, деб кўрсаткич ва ўрта бармоқларини кўшиб кўрсатганлар (Имом Бухорий).

Ким кўшнисига яхшилик қилса, жаннатнинг саккиз эшигининг хоҳлаганидан киради. Кўшнисига яхши муомала қилмаса, хабар олмаса, унинг дуо-ибодатини қабул қилмайман, дейди Аллоҳ. Бу ҳазилакам огоҳлантириш эмас. Шу ўринда Жалолиддин Румийнинг “Маснавийи маънавий”ларидан ўқиганим бир ривоят эсимга тушди:

Бир одам йиллар давомида пул тўплаб, энди ҳажга отланмоқчи бўлиб турганида, болаларини боқолмай қийналиб қолган кўшниси бир бурда нон сўраб чиқибди. Бу воқеа унга кучли таъсир қилиб: “Кўшнним шу ҳолатда-ю, мен ҳажга бораманми?” деб тўплаган маблағини кўшнисига берибди ва:

**“Тавофи Байтул Халил
кори онсон аст,
Тавофи байтул Жалил
кори мардон аст”,**

деб унинг атрофида айланаверибди. “Байтул Халил” деб Иброҳим Халилуллоҳ қурган Каъбани, “байтул Жалил” деб эса, мўминнинг кўнгли назарда тутилган. Унисини инсон қурган бўлса, бунисини Аллоҳ яратган. Румий айтмоқчиларки, кимнинг пули бўлса, Халилуллоҳ қурган уйни тавоф қилиш, зиёрат этиш унга

лашган оилалар топилади. Кимнингдир шароити яхши эмас, кимдир боласини ўқитиш ёки касби корини ўнглаш учун пул тополмайди. Мўмин киши ана шундайларни топиб, қўлидан келганича ёрдам кўрсатиши, ҳеч бўлмаса, яхши сўз билан тасалли бериши керак.

— **Эшитишимизча, яқинда масжид таъмирдан чиқиб, шарт-шароитлари яхши бўлибди. Қавм ҳам йилдан-йилга ошиб бораётган экан. Одамлар сизга кўпроқ қандай саволлар билан мурожаат қилишади.**

— Масжидимиз Катта Қаъни даҳасида яшовчи аҳолининг маблағи ва меҳнати билан барпо этилган. Қурилиш 1991 йили бошланган эди. Олийҳиммат одамлар ёрдамида масжидимиз таъмирланиб, шароитлар яхшиланди. Баъзи кам-кўстларини айтмасак, деярли битиб қолган.

Масжид фақат ибодат қиладиган жой эмас. Таълим-тарбия ўчоғи, маслаҳат, маърифат даргоҳи ҳамдир. Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) Аллоҳнинг фармонларини, ўзларининг муборак ўғитларини халққа масжидда етказганлар.

Биз узоқ вақт даҳрийлар тузумида яшадик. Халқимизнинг турмуш тарзи, тафаккури мажбуран инсон табиатига бутунлай ёт бир йўналишга, Аллоҳни инкор этиш йўлига солинган эди. Шукрки, буткул диндан чиқиб кетишдан Аллоҳнинг ўзи асраб қолди. Кейинги даврда ҳам айрим ёшларимиз диний тарбиядан бебахра қолиб, асил қадриятларимизга зид хулқлар билан шаклланишди. Бундайлар орасида баъзи гўр кимсалар бошқа ботил динларга кириб қолишяпти. Аёлларимизнинг, қизларимизнинг беҳаёллар-

ча кийиниб юришлари, ёшлар таълим-тарбияси, гиёҳвандлик офати... Масжидга келган кўпчилик бу офатлардан қутулиш йўллари ҳақида сўрашади. Ёшларимиз жиноий йўлларга кириб кетаётганларнинг сабабларини

билан ип сўрабди. “Нима қиласан?” — деб сўрабди кўриқчи. Шунда аёл: “Тиззамнинг чоки сўкилибди. Шуни тикиб олмоқчиман”, дебди. Кўриқчи: “Ахир сени ҳозир ўлимга олиб кетишадик-ку. Кийимнинг йиртиқ ё бу-

каттани ҳурмат қилишни ўргатиб, илмга, касб-ҳунарга тарғиб қилмоғимиз керак. Четдан суқилиб кираётган бузғунчи гоёларга қарши астойдил курашиш керак.

— **Маҳалла ҳаётида масжиднинг ўрни қандай? Атроф**

маҳаллалар кундалик ҳаётида масжидларнинг иштироки ҳақида ҳам бир оз гапириб берсангиз.

— Керакли савол бўл-

МАРДЛАРНИНГ ИШИ

билмоқчи бўлишади. Аччиқ бўлса ҳам, рост гапни айтишга уринамиз. Аввало, ота-оналар сабаб. Ота-она Ислом дини эзгулик, меҳр-оқибат дини эканини билиб, фарзандлари қалбига бунини астойдил сингдиришса эди, бу хонадондан ўғри ҳам, гиёҳванд ҳам, беҳаёллар ҳам чиқмайди.

— **Назарингизда, жамиятимизнинг ахлоқи янада соғлом бўлиши учун биринчи галда нима-лар қилиш керак деб ўйлайсиз?**

— Бунинг учун биринчи галда фарзандларимиз, айниқса, қизларимиз тарбиясига катта аҳамият бериш керак. Бунини унутишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Миллат маънавияти унинг дини, тили, кийиниши, юриш-туриши, муомаласи, хулқу одобидир. Кўчада қизларимизнинг шармандали ҳолатларда юришлари маънавиятсизлик белгисидир. Момоларимиз ярим-яланғоч юришганми? Ҳеч қачон! Ислом дини раҳмат ва нур бўлиб келди. Мана шу нур аёлни зулматдан хурриятга олиб чиқди. Унинг латофати, назокати ва куч-қувватига қараб талаб қўйди, жамиятда ўзига мос ўринни ажратди. Аёлни қиз, хотин, опа-сингил ва она сифатида эъзозлади. Азалдан опа-сингилларимиз номус, поклик, ҳаё, ифғат ва вафо рамзи бўлиб келишган. Булар нафақат ахлоқий, балки имоний сифатлардир. Пайғамбаримиз (с.а.в.): “Ҳаё имондандир”, деганлар. Шундай экан, имоннинг бир жузъи бўлган ҳаё нечун биздан айри бўлсин. Ҳаёсиз аёлда латофат, назокат, поклик деган сифатлар йўқолади. Ривоят қилишларича, бир аёл ўлимга ҳукм этилибди. Ҳукми ижро этишларидан олдин, ҳали ҳибсхонада эканида маҳбус аёл посбондан нина

тунигининг энди сенга нима қизиги бор?” деб ҳайрон бўлибди. Мен аёлман, халойиқ олдига аёлдек чиқишим керак. Одамлар кўзига йиртиқ кийимда кўринишга уяламан”, деган экан у жиноятчи аёл.

Афсуски, бугун айрим қизларимиз очикчасига ёки билмасдан кимларгадир эргашиб, ҳаёдан воз кечишяпти. Ғарбга тақлид қилиш уларга маданият бўлиб кўринаётир. Маданиятли бўлиш учун Оврупага тақлид қилиш керакми? Тикилишида ва кўринишида ғарбона либослардан ҳар жиҳатдан ортиқ миллий кийимларимиз йўқми? Бор! Қолаверса, маданият фақат кийимдами? Юриш-туришда, муомалада, одоб-ҳаёда эмасми? Ўн олти-ўн етти яшар қизларимиз бўлғуси оналар-ку. Улар миллий кийимлардан орланса, бўлғуси авлодга нима беришади? Кечагина киндик очиб юриш офати урф бўлган эди, бугун аллақачон ўша киндик атрофига ва очик кўкракларига расм чизиш чиқибди. Эртага нима бўлади? Мен ушбу суҳбат баҳонасида қизларимизга мурожаат қилиб айтмоқчиманки, улар кимларга авлод эканларни, момолари кимлар бўлганини ёдда тутсинлар. Биз мусулмонлар қизларимизни, аёлларимизни асрайлик, улар учун қайғурайлик. Уларга қайғурмаслик, куюнмаслик мусулмонларга хос иш эмас.

Ҳозир ҳар хил шов-шувли газета-журналларнинг, айниқса, ёвузлик, беҳаёликни тарғиб этадиган видеофилмлар, телесериалларнинг кўпайиши миллийлигимиз, маънавиятимизга кескин салбий таъсир этяпти. Фарзандларимиз тарбиясини бузаяпти.

Фарзандларимизга ҳалол-ҳаромни, гуноҳ-савобни, ўздан

Менимча, масжиднинг аралашувисиз маҳалла маънавий муҳитини тўқислаш қийин. Ёшни ҳам, каттани ҳам маҳалла аҳли билади. Жума намозларида, баъзан маъракаларда намозхонларга амри маъруф, наҳйи мункар қилиш яхши. Аммо бу гапларни намозхонларнинг ўзи эшитади, маҳалладошларнинг кўпи четда қолади. Шунинг учун масжиддан ташқарида ҳам одамларни яхшиликка бошлаш, ёмонликдан қайтариш ишларини олиб бориш, уларга Аллоҳни танитиш биринчи галдаги вазифамиз бўлиши керак. Маҳалланинг намозхон аҳли маънан ўз йўлини топган кишилар, улар нима қилиш кераклигини яхши билишади. Аммо бу саодатдан бенасиб юрганлар қанча. Жиноят кўчасига кирганларнинг аксарияти ибодатдан йироқ кишилардир. Улар масжидга келмас эканлар, биз улар олдига боришимиз, уларга яхшиликни раво кўришимиз керак.

Ўзимизнинг журнал “Ҳидоят”нинг ҳар бир сонини орзиқиб кутишимизни билдирмасдан ўтолмайман. Ҳар янги сони синчиклаб, қўлма-қўл бўлиб ўқилади. Айниқса, ўтган йилги сонларида босилган “Аллоҳга элтвучи тўғри йўл”, “Ҳақиқат нимадир?”, “Мусулмон кишининг вақт олдидаги вазифалари” каби жуда кўп мақолалар таассуроти ҳамон қалбимизда сўнгани йўқ. Бир имом сифатида бугунги ҳаётимиздаги муаммолар чуқур ва атрофлича таҳлил этилган мақолаларни журналда кўпроқ ўқисак дейман. “Ҳидоят” билан бундай дийдорлашувлар қувончи давомли бўлсин.

Вафо ФАЙЗУЛЛОҲ
ёзиб олди

Ўтамиш ҳожи ибн Муҳаммад ДҮСТИЙ

ЎТАМИШ ҲОЖИ ТАРИХИ

Беркахон достони

Беркахони мазкур, алайҳирроҳма, машҳур турур. Онасиндин тугфондин бери мусулмон эрди. Ул маҳалдаки дунёга келди, ўз онасининг сути, тақи ўзга кофир заифаларнинг сутини эммади. Бу жиҳатдин коҳинлар бирла билгаларини бақтурдилар. Улар айдилар: “Бу муҳаммадий турур. Муҳаммадий кофир заифа сутини эммаз”, тедилар эрса, бир мусулмон заифа файдо (пайдо) қилиб келтирдилар. Анинг сутини эма бошлади. Бу воқеадин неча йилдин сўнг отаси Йўжихон ўлди эрса, кофирлар орасинда юрий билмай, Сигноқ шаҳринга келиб эрдилар. Ул вилоятгаким келдилар, шайхул олам Сайфиддин Бохарзийки, ҳазрат кутб ул-ақтоб Шайх Нажмиддин Кубронинг халифалариндин турур, уларнинг авсофи ҳамидаларини (мақтовли сифатларини) эшитиб, иштиёқ ва рағбат билан хизматлариға неча йиллар риёзатлар чекиб, авлиёларда камолининг ниҳоятини ҳосил қилиб эрди. Ҳануз шайхнинг хизматларида эрдилар, бу аснодаки, Сойинхон ўлди, беклари иттифоқ қилиб Ҳалокухонга элчи юбордилар. Бир куни ҳазрати шайх Беркахонга айдики: “Эй фарзанд! Худойи таолонинг амри андоғ бўлдики, сен бориб оталарингнинг юртинда подшоҳлигини қилғил”. Беркахон теди: “Сизнинг хизматда табғоймен¹. Тақи яна бориб дунёнинг подшоҳлигина, тақи машаққатина ўзимни солғаймен?!” Шайх айди: “Агар тафарруқиға² тушарсен, машаққатина тушарсен. Худойи таолонинг тақдиринга чора йўқ турур”, теди эрса, хони мазкур ҳам бечора бўлуб қабул қилди. Бир неча кун яроғ қилиб чиқдилар. Ҳазрати шайх Бухородин Қоракўлга тегру узата келди. Хон шайхнинг жиловиди фийода (пиёда) келдилар. Қоракўлдин шайх дуо қилиб қайтдилар. Хон дашт вилоятинга мутаважжиҳ бўлдилар. Ҳожитархон вилоятинда Ҳожи Ниёз теган давлати машҳур киши бор эрди: ул айтур эрди. “Ҳазрати хон Қоракўлдин саккиз киши бирла чиқиб, Дашт вилоятинга юридилар. Ул саккиз кишининг ҳар бириси минг уйга отом (бошлиқ) турур эрди”.

Чун хон, алайҳирроҳма, Қоракўлдин чиқиб, Урганж келди. Урганждин Саройчук борди. Айтурлар, Саройчукға борғонда беш юз киши жам бўлдилар. Саройчукдинки ўтдилар. Эдил дарёсининг ёқасинга еткунча минг беш юз киши жам бўлдилар. Чун Эдил дарёсининг ёқасингаким кел-

дилар, хабар топдиларким, Ҳалокухон азим лашкари билан Қулзум (Каспий) дарёсини³ ёқалаб кела турур, теб. Бу йиғилғон лашкари бедил бўлуб, барчаси иттифоқ қилиб айдиларким: “Ҳалокухон улуг подшоҳ турур ва азим лашкари бор. Биз оз киши турурбиз. Анга ўтру чиқиб урушмоқимиз маслаҳат бўлмағай”. Айтурлар: “Ул ҳолда хоннинг алинда (қўлида) бир қопсиз (ғилофсиз) қалқон турур эрди”. Баъзилар айтур эрди: “Бир қопсиз тўлга (дубулға) турур эрди”. Бир қўйнинг ошуқи ҳам ҳозир эрди. Хон буларнинг жавобинда айдики: “Мен ўз раъйим, ўз фикрим билан юриган киши эмас эрдим. Сизлар менга инонмай турурсиз. Ҳоло бу ошуқни қалқоннинг ё тўлғанинг қуббасинга ўз қўлимиз билан ўмқа қўйсақ — худ тўхтамас. Эмди сизлар бирла биз шарт қилоли. Мен бу ошуқни бу қалқоннинг ё тўлғанинг қуббаси уза урайин. Агар буларнинг қуббаси уза ўмқа турса — худ билингики, бу ёғийни мен босармен (енгаман). Худойи таоло менга нусрат берур. Агар ўмқа турмаса, ҳар не сизнинг айтғонингиздин чиқмайин”. Бу жамоат ҳам айдилар: “Агар ўмқа турса, биз ҳам сизга якжиҳат бўлоли, то жонимиз боринча”. Хон, алайҳирроҳма, ошуқни қўлига олиб, Аллоҳ таолони ёд қилибки урди, қуббанинг устунда рост умқа турди. Бу ҳолатни кўрдилар эрса, кўнгулариндин шак-шубҳани кўтариб, барчаси муте ва фармонбардор бўлуб, Эдил дарёсини кечиб Қулзум дарёсини ёқалаб, Ҳалокухон лашкаринга ўтру юридилар. Ул йўлда Қулзум дарёсининг шохча-шохча сувлар чиқар, йўл ул сувларнинг бошларини кеса кетар. Қумли бийик тепалари бўлур. Фақир ул ерларни кўрган турурмен, “Қирмажоқ” терлар. Андин нари дарёдин шохча сув чиқмас турур. Анинг бир улуг тепаси бор. Беркахоннинг қоровуллари ул тепага чиқдилар. Ширвон тарафидин азим гард пайдо бўлди. Хонга хабар келтурдиларким: “Ёғийнинг гарди пайдо бўлди, ҳеч учи — қироғи йўқ турур”, теб. Бу беклар яна бедиллик қила бошладилар. Хон айдилар: “Мен ул тефага чиқайин. Сизлар мундин қараб турунг, тақи Худойи таолонинг қудратини кўрингиз. Агар ёғий келиб, мени олур бўлса, сизлар мундин — ўқ қочғайсизлар”. Булар ҳам қабул қилиб турдилар. Хон тепа бошинга чиқди. Оз замондин сўнг ул тарафдин лашкар пайдо бўлди. Гуруҳ-гуруҳ, қўл-қўл бўлуб келур эрдилар. Ҳаминки яқин келдилар, тақи муқобаласинда

ясол⁴ чека бошладилар. Чандон ясол чекиб турдилар, лашкарнинг ўнги ва сўнги етишди. Лашкарнинг қироғин кўрса бўлмас эрди. Ул аснода ҳазрати хон уч каррат қамчисин силтади, тақи ёғийга ўтру от солди. Ҳануз тепадин ошоқ (қуйи) инмайин, Худойи таолонинг қудрати бирла ёғий лашкари бузулди, тақи қочди. Хоннинг лашкари бу ҳолатни кўрди эрса, хон сўнгиндин от солдилар. Неча кун қувиб, ўлтурганин ўлтуруб, ўлтурмаганин асир қилиб қайтдилар. Отларин — яроғларин тамом олдилар. Ул тушкан кишилардин сўрар эрдилар: “Сиз ул тепа бошиндақи бир кишининг нечук қочдингиз?” Улар айтур эрдилар: “Ул бир кишиким тепанинг устунда қайиб турур эрди, анинг икки ёнинда икки улуг лашкар бисёр турур эрди. Ҳар нечаларким қаралар эрдук, ул икки лашкарнинг учини тақи қироғини кўра билмас эрдук. Йироқ ясол чекиб турғонимиз ул жиҳатдин эрди. Чун ул тепадағи киши бизга от солди, ул икки азим лашкар ҳам от солдилар. Хаёл қилдукким, ер-қўк устумизга йиқилиб кела турғонтек бўлди. Ул жиҳатдин тура билмай, қочдик”. Ҳазрати хоннинг бу каромати халқ орасинда машҳур турур. Баъзилар айтурлар: “Ҳалокухон бу лашкарнинг ичинда эрди. Бу лашкар босилғонда ўлди, ҳеч киши анинг ўлганидин хабардор бўлмади”. Аммо ҳазрати Дўст Султоннинг таворихларига айтиб турурлар: “Бу лашкарки босилиб борди, гуссасиндин хаста бўлуб, икки ойдин сўнг ўлди”. Ва Аллоҳу аълам (Аллоҳ билгувчидир).

Чун Дашт вилоятики Беркахонға мусаллам бўлди, аксари кўп кофирларни мусулмон қилди. Баъзилар ўн уч йил, баъзилар ўн олти йил подшоҳлик қилди, теб турурлар. Андин ҳақ раҳматига нозил бўлди. Ҳазрати хондин насл қолмади. Юқориди мазкур бўлуб эрди, Сойинхоннинг икки ўғли бор эрди, бири Соритоқ, тақи бири Тўғон эрди, Соритоқ отасидин бурун саккиз ёшарида ўлди. Тўғондин икки ўғул қолиб эрди: бирининг оти Туда Менги, яна бирининг оти Мунг Темур. Бу Мунг Темур ёш эрди. Аммо Туда Менги агарчи йигит етилиб эрди, вали беақл, бисёр девона киши эрди. Сойинхон наслидин мундин ўзга киши топмайин, беклар иттифоқ қилиб машоралайҳини (яъни, мазкурни) хон қилдилар. Мундин ажойиб ва ғаройиб сўзлар, турфа ҳикоятлар бисёр турур. Аммо бир-икки ҳикоят бу мухтасарда ёд қилинди.

Айтурлар: Бир вақтда Туб (Тибет) хондин элчилар келди. Беклари иттифоқ қилиб хони мазкурга айтдилар: “Бу йироқдин келган элчи турур. Мунунг кўзунча паришон иш қилмағил. Хоннинг саломатлигини сўрағил. Тақи элнинг рафоиятлиқини (фароғатлигини) сўрғил. Ўзга сўз сўрмағил. Яна айдилар: “Сизнинг ўзингизга ихтиёрингиз йўқ турур. Сизнинг оёқингизга бир ип тақали. Тақи тахтнинг остинга бир киши кириб, ул ипни тутуб ўлтурсин. Ҳар гоҳки, бизнинг бу насиҳатимизни унутиб, паришон сўзлай бошласангиз, ул ипни тортин. Ул ҳолда сўзламакни бас қилгайсиз” — тедилар эрса, ул ҳам қабул қилди. Айтур-

лар: “Анинг бир яхши иши ул эрди, бовужуди ул девоналиқи бор ҳам, ҳар ишики беклар иттифоқ қилиб анга тесалар, ани қабул қилиб уларнинг сўзиндин чиқмас эрди. Ул жиҳатдан ўн саккиз йил Дашт вилоятида подшоҳлик қилди”.

Эдиқубий раҳматуллоҳи алайҳи айтур экандур: “Душманингизга ёмон дуо қилур бўлсангиз, бу тариқа дуо қилингизким: “Бори Худоё, менинг душманимни биликсиз қилғил ва тақи билганларнинг ҳам тилинга инмас қил”. Агар киши ўзи билмағай, билганларнинг сўзига ингай, ул ҳамон биликлик турур, анинг тафовути йўқ турур”, — дер экандур.

Алқисса, тонгласи элчига кўриниш бердилар. Хоннинг саломатлиқини сўрди, эл-қуннинг рафоқиятини сўрди. Андин сўнг айтди: “Сизнинг элда сичқон кўп бўлурми?” Айтиди: “Бўлур”. Андин яна сўрдиким: “Сизнинг элда яғмур (ёмғир) кўп бўлурми?” Айдилар: “Балли, кўп ёғадур”. Ул ипни тутуб ўлтурғон киши кўрдиким, паришон сўзлай бошлади. Ул ипни тортиди. Хон элчига айтиди: “Сендин яна сўз сўрар эрдим, валекин оёқимдин торта турурлар”. Беклар филҳол (дарҳол) элчини олиб қайтдилар, тақи от-тўн бериб узатдилар. Ул элчи қайтиб ўз подшоҳи хизматига келди. Ул хон сўрдиким: “Қариндошимиз хонни нечук кўрдунг, не турлик киши турур?” — теди эрса, элчи айтиди: “Бир каррат-ўқ кўруниш қилдим. Эзгу билмадим (яхши билолмадим). Ул кўринишда сизнинг саломатлигингизни сўрди. Тақи эл-қуннинг рафоқиятини сўрди. Яна сўрдиким: “Сизнинг элда сичқон кўп бўлурми?”. Мен айтиди: “Балли, кўп бўлур”. Яна сўрди: “Сизнинг элда яғмур кўп ёғарму?” Мен айтиди: “Балли, ёғар”. Яна айтидиким: “Сендин яна сўз сўрар эрдим, валекин оёқимдин торта турурлар”. Андин беклар филҳол туруб қайтдилар. Мен ҳам қайтдим. Хонни кўрганим ўшал бўлди. Бу хон тақи беклари бу сўзга тафаккур қилдилар, айдилар: “Яғмур кўп ёғарми, тегани яхши, анинг учунким, барча халойиқга яғмурдин рафоқият бўлур. Ва тақи сичқонни ҳам сўрғони ёмон эрмас, андин барчага зиён тегар”. Аммо ҳар неча фикр қилдилар, ипни торта турурлар, теганини била олмадилар, теб турурлар.

Яна бир ҳикоятким: “Ўзи Эдил дарёсини кеча черик отланиб эрди. Черикдинким қайтди, девоналиқи голиб бўлди. Анинг одати ул эрди, ҳар гоҳки девоналиқи голиб бўлса, ҳеч кишининг сўзинга илтифот қилмас эрди. Бир ерга келиб тушдилар. Ўн беш кун ул ердан отланмади. Черикнинг озуқи туганди. Аҳволлари хароб бўлди. Беклари кенгаш қилдилар, тақи айдилар: “Бу ҳоло заифасини унутиб турур. Бир яланг юзли (соқолсиз) йигитни заифа суратига ясаб йироқдин кўрсатали. Бўлғайким, заифа хотирига тушуб отлангай”. Тақи бир ўғлон йигитни заифа суратига ясаб кўрсатдилар эрса, кўргач заифа хотиринга келди. Тушуб айтиди: “Бизнинг эвда (уйда) ҳам мунунгтек киши бор эди. Филҳол отланиб илғади (илдам юрди). Баъзи-

лар бу ҳикоятни бир турлик қабиҳроқ айтурлар. Муносиб кўрмадикки, бу дафтарда битилгай.

Чун илғалибки от солди, икки кундин сўнг Эдил дарёсининг қирғоғига келди. Қатинда икки чухраси⁵ қолиб эрди. Дарёни Босғунчоқ тузлогининг бийик тепадек тоғи бор турур. Ҳар кишики Эдил дарёсини Босғунчоқ тузлогининг яқининдин кечиби, Ёйиқ⁶ дарёсингаки ортулур, ул тоғ бир кунлукка яқин кишининг ёниндан қолмас турур.

Хон Эдил дарёсиники кечиби илғади, кўрдикки, бир тоғ ҳеч қолмас. Бир-икки қаррат газаб бирла боқди, тақри айтди: “Сен-ўқ бор! Мен бормаймен”, — теб отдин филҳол тушди. Қатиндаги чухралари ҳам чорасиз бўлиб тушдилар. Ул кун ахшом бўлгунча анда ётдилар. Чун ахшом киши танимас (каби) бўлди, ул икки чухрасининг бирининг идроки бор эрди, фаҳлик киши эрди, ул айди: “Ҳоло кеч бўлди. Ул ҳам тушуб турур. Дамбадамдурки, ул ухлоғонда биз отланиб илғасақ, ул бизни туймайин қолур”, — теди эрса, бу сўз хонга бисёр маъкул келди, тақри айди: “Яхши айдинг, От иёрланг (эгарланг)! Иёрладилар. Эмди ухлади теган вақтда отланди тақри илғадилар, тонг откунча. Тонгки отди, ҳеч ерда кўрмади, то хон бисёр хушҳол бўлди. Айтурлар, ўрдасига боргондин сўнг суюрғоллар қилди. Бу янглиғ турфа девона киши бўлгундур. Баъзилар айтурлар, ўн саккиз йил хон бўлди. Баъзилар айтурлар саккиз йил хонлик қилди. Андин сўнг иниси Мунг Темур йигит етилди эрса, ўзи-ўқ инсоф этди, айди: “Мунчадин бери киши йўқдин мени хон қилиб эрдингиз. Сизлар ҳам қийналдингиз, мен ҳам қийналдим. Эмди иним, шукр, бу чоқли ўсди. Менинг кўнглум сизларга хуш турур. Инимни хон қилингиз”, — деб ўзини хонлиқдин азл қилди. Беклари ҳам бу сўздин хушҳол бўлдилар. Иниси Мунг Темурни хон кўтардилар.

Ўзбекхон достони

Ҳазрати хонки тахтда ўлтурди ва эл-кун қарор топгондин сўнг Йўжихоннинг ўзга онадин туғон ўн етти ўғлининг ўғлонларини чорлатиб келтуруб айдики: “Сизлар ота ўғли эмасми эрдингиз? Қаро кишига қул-навқар бўлуб, анга муте бўлгунча сизлардин бирингиз хонлик талашсангиз эрди. Чун сизлар қаро кишининг қуллуғини-навқарлигини қабул қилдингиз эрса, мен ҳам сизларни қаро кишига қўшун берайин”, — деб қаҳр қилиб навқар-савдар ва эл-кунларин барчасин Қиёт Исатойға суюрғол қилди.

Юқорида ҳам тақриб била зикр қилиб эрдик. Чун Шайбонхон қилич чопиб ёғийлар вилоятларин очиб эрди, у жиҳатдин анинг ўғлонларини ва набираларини барча халойиқ хурмат қилурлар эрдилар. Хонки бу ўғлонларга қаҳр қилиб Исатойға қўшунки берди, Исатой тақри Шайбонхон ўғлонлариға оталари хурматин қилиб, бўйрак била қорлиқни — икки боғли эл турур — ани олиб буларни ўз ҳолига қўйдилар. Соийнхон салғон юртларида бўлур эрди, тебтурурлар. Ва тақри Олатойға

минг боғли эл айирди. Ул машхур турур. Ўзбеклар орасинда айтурлар: Исатойға ўрум четиб, Олатойға минг берди, дерлар, маъниси бу турур.

Ҳазрати хони мазкур, алайҳирроҳма, азамат улуг подшоҳ эрди. Бир неча йил подшоҳлик қилгондин сўнг Аллоҳ таолонинг инояти бўлиб мусулмон бўлдилар.

Ҳикояти сабаби исломи Ўзбекхон. Сабаби исломи ул эрдиким, ул замоннинг валийларидин турур тўрт валийға Аллоҳ таолодин илҳом бўлдики: “Сизлар бориб Ўзбекни исломға даъват қилингизлар”. Тақри Аллоҳ таолонинг амри била Ўзбекхоннинг эшикига келиб қўруннинг тошида ўлтуруб мутаважжих бўлдилар. Андоғ ривоят қилурлар, кофир соҳирлар (сеҳргарлар) бирла кофир коҳинлар хонга андоғ каромат кўрсатиб эрдиларки, хоннинг мажлисиға бол (асал)ни субжоқи (идиши) била келтуруб қўяр эрдилар. Жўртоғи (кўза) ва дўстигон (қадах)ларни тайёр қилур эрдилар. Бол ўзи жўртоғиға қуюлур эрди ва дўстигонға сузулур эрди. Ва дўстигон ўзи ул кишига борур эрди. Барча бу соҳир-коҳинларини хон ўзларига шайх билиб ёнларида ёнаша ўлтуртуб, бисёр эъзоз ва иқром қилур эрди. Аммо бир кунки булар келиб мутаважжих бўлуб ўлтурдилар, кундакитек хон мажлис ораста қилди. Шайхлари бирла келиб бари ўлтурдилар, кундакитек паймонаси (идиши) била бол келтурдилар. Жўртоғи ва дўстигонни келтуруб қўйдилар. Бир хийла муддат ўлдиким, на бол кундакитек жўртоғиға қуюлур, на дўстигонға сузулур эрди. Хон бу шайхларинга айди: “Не жиҳатдин бу бол маътал қолиб турур?” Шайхлар айдилар: “Ҳолиб, бу яқинда муҳаммадий келиб турур. Бу анинг аломати турур”. Хон ҳукм қилдиким: “Қўр-қўрдин юриб истасангизлар, тақри муҳаммадий бўлса, олиб келингизлар!” Мулозимлар чиқиб қўр-қўрдин тафтиш қилдилар эрса, кўрдилар, кўрнинг ташинда тўрт ўзга суратлиғ кишилар бошларини қуйи солиб ўлтурур эрди. Мулозимлар айдиларки: “Сизлар не киши турурсиз?” Булар айдилар: “Бизларни хон қошиға олиб борингиз”. Олиб келдилар эрса, хоннинг кўзи буларға тушди. Чун нури ҳидоят била Аллоҳ таоло хоннинг кўнглини мунаввар қилиб эрди, буларники кўрди, майлу муҳаббаги кўнглунда пайдо бўлди, сўрдиларки: “Сизлар не кишилар турурсиз, не ишка юриюрсиз, не ишка борурсиз?” Булар айдилар: “Бизлар муҳаммадий турурбиз. Худойи таолонинг амри бирла келиб турурбизким, сизларни мусулмон қилгаймиз”. Бу аснода хоннинг шайхлари фарёд қилиб айдилар: “Булар ёмон кишилар бўлур. Буларни сийламак керакмас, ўлтурмак керак”. Хон айдилар: “Нечун ўлтурадурмен. Подшоҳ — мен. Сизларнинг ҳеч қайсингиздин парвойим йўқ турур. Қайсингизнинг динингиз барҳақ бўлса, анинг бирла бўлурмен. Агар буларнинг дини ноҳақ бўлса, сизларнинг бугундаки ишларингиз нечук ботил бўлиб, маътал қолди. Сўзлашингиз, қайсингизнинг динингиз ҳақ бўлса анга тобе бўлурмен”. Бу икки жамоат бир-бириси бирла баҳска тушдилар, кўп ғавво ва жадал қил-

дилар. Оқибат анга қарор бердиларким, икки танур қазғайлар, ҳар бирисини ўн ароба сўксўк (саксовул) била қиздурғойлар. Бир танурға соҳирлардин бир киши киргай, яна бир танурға булардин бир киши киргай, ҳар қайси куймай чиқса, анинг дини ҳақ бўлғай.

Тонгласи икки улуғ танур қаздилар. Сўксўк ўтунлардин йиғиб қиздирдилар. Бирисини соҳирларға тайин қилдилар, яна бирисини мусулмонларға тайин қилдилар. Бу азизлар бир-бириси бирла муроёт қилишдилар: “Қайсимиз кирарбиз”. Буларнинг бирисига Бобо Туклос дер эдилар. Тамом аъзоларини тук босиб эрди. Ул айди: “Менга ижозат берингиз. Мен кирайин. Сиз менга ҳиммат тутингиз”. Бу азизлар анинг ҳаққина Фотиҳа ўқудилар. Ул бобо айди: “Менга жиба (совут) ҳозир қилингиз”. Жибани ҳозир қилдилар эрса, жиба кийди яланг этка (яланғоч баданға) Тақи Аллоҳ таоло ёдида талқин бошлаб танур тарафига мутаважжих бўлди. Айтурлар, бобонинг туклари ўро (тикка) кўпуб жибанинг кўзларидин чиқиб эрди. Бу ҳолатни барча кўрар эдилар. Булар юруб танурға кирди. Бир кўй этини келтуруб танурға солдилар, оғзини беркитдилар.

Эмди келдик хоҳинлар қиссасинга. Коҳинлар заруратдин бирисини чиқариб танурға солдилар. Ҳаминки тушқач, кули кўкли-яшилли бўлиб ёлни танурнинг оғзиндин чиқар эрди. Бу ҳолатни хон бошлиқ барча халойиқлар кўрдилар эрса, кўнгуллари кофир динидин узулуб мусулмонликға майл қилдилар. Ва тақи бобонинг талқин айтқон овози танурдин муттасил келур эрди. Кўй эти пишди теган маҳалда танурнинг оғзин очдилар. Бобо муборак юзлариндин терларини сургач: “На ошқундигиз? Агар бир замон таваққуф қилсангиз эрди, ишим тамом бўлуб эрди”, — теб танурдин чиқди. Кўрдиларки жиба чўғ бикин (каби) қизил бўлуб эрди. Аммо Худойи таолонинг қудрати бирла бобонинг бир туки куймайин чикди. Бу ҳолни хон бошлиқ барча халойиқлар кўрдилар эрса, шайхларнинг этақларини тутуб, мусулмон бўлдилар. Алҳамдулиллаҳи ала динил исломи.

Беркахон замонинда ўзбек тоифаси мусулмон бўлуб эрдилар. Улардин сўнг яна муртад бўлуб кофир бўлдилар эрди. Бу йўлки, Ўзбекхон мусулмон бўлди, андин бери ўзбек тоифасининг исломи тағйир (ўзгариш) топмади. Айтурлар, Ўзбекхон йигирма йил подшоҳлик қилди ва баъзилар айтурлар, ўн саккиз йил подшоҳлик қилди. Андин сўнг ҳақ раҳматига восил бўлди. “**Инна лиллаҳи ва инна илайҳи рожибун**”.⁷

¹Яъни, “сизнинг хизматингизда бўламан”. ²Тафарруқ - айрилиқ; жудолик. ³«Дарё» сўзи “денгиз” маъносини ҳам англатади. ⁴Ясол — жанговар саф. ⁵Чухра — хос хизматкор. ⁶Ёйиқ — ўрол дарёсининг қадимий номи. ⁷“**Албатта биз Аллоҳнинг (бандаларимиз) ва албатта биз У зотга қайтгувчиларимиз**”.

МИНГ ЙИЛЛИК МАСОФАДАН КЎРИНАДИ

Ибн Умардан (р.а):

Бир ҳабаш Пайғамбаримизнинг, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, олдиларига келди. Ул зот ҳабашга:

— Бирор нарсани билмоқчи бўлсанг, сўра, — дедилар.

— Ё Расулulloҳ, — деди ҳабаш, — Аллоҳ таоло сизни турли неъматлар ва пайғамбарлик билан биздан афзал қилди. Мен ҳам Сиз ишонаётган нарсаларга ишониб, бажарётган амалларингизни бажарсам, жаннатда Сиз билан бирга бўламанми?

— Ҳа, ҳаётим қудрати, измида бўлган Аллоҳға қасамки, жаннатда қора (танли) одамлар шунчалар оқаришадик, вужудларининг оқлиги минг йиллик масофадан кўринади, — дея марҳамат қилдилар Расули Акрам (с.а.в.) ва яна шундай дедилар: — Ким “Ла илаҳа иллаллоҳ” деса, Аллоҳ таолодан мағфират қилиш ҳақида ваъда олган бўлади, ким “Субҳоналлоҳи ва биҳамдиҳи” деса, унга бир юз йигирма тўрт минг ҳасана ёзилади.

Бир одам:

— Ё Расулulloҳ! Бизга шунча яхшиликлар берилганидан кейин ҳам қандай ҳалок бўлишимиз мумкин? — деб сўради.

Жаноби Пайғамбаримиз (с.а.в.):

— Киши қиёмат куни

Аллоҳнинг ҳузурига шундай амаллар билан чиқадик, агар бу амаллар бир тоғнинг устига кўйилса, қийматининг оғирлиги тоғни чўктириб юборади. Бироқ Аллоҳ унга дунёда берган неъматлар бу амалларнинг қаршисига чиқади. Аллоҳ лутфи ва марҳамати билан бу кишини кечирмаса, у амалларини эритиб тугатаёзди”, дея марҳамат қилдилар. Шунда “**Аниқки, инсоннинг устига замондан у тилга олгулик бир нарса бўлмаган вақт-муддат ҳам келгайдир**” (Инсон, 1); “**У жойда, қачон қарасангиз, ноз-неъматларни ва катта мулку давлатни кўрурсиз**” (Инсон, 20) оятлари нозил бўлди.

Ҳабаш яна сўради:

— Жаннатда сизнинг кўзларингиз кўрадиган нарсаларни мен ҳам кўраманми?

— Ҳа.

Расули Акрамдан бу жавобни олган ҳабаш шундай йиғладики, ниҳоят жон берди.

Ибн Умар дейдики, қасам ичиб айтаман, мен Жаноби Пайғамбаримиз (с.а.в.) уни ўз кўллари билан қабрга кўйганларини кўрдим.

Абдуллоҳ МУРОД
тайёрлади



ЭСКИ ҒИЙБАТЛАРНИНГ ЯНГИ ТАСВИРИ

Бугун оғриқли бир дард юракларимизни ўртайди. Бизларни миллий-диний қадриятларимиздан чекинтирадиган, тубан ҳаёт тарзига бошлайдиган ажнабий “маданият”лар, тутуруқсиз мафкуралар хуружига йўлиқдик. Телеведениемиз орқали кетма-кет намойиш этилаётган, йиллар бўйи давом этадиган Ғарб киносериаллари шундай хуружлардан биридир. Томчилаб тушган сув тошни ҳам ўйганидек, ҳар кунни томчилаб юборилаётган бу кўринмас заҳар юракларимизни, онларимизни ўймоқда. Фақат, баъзилар бу жирканч тасвирларнинг ботиний таъсирини сезмаяпти, шекилли. Ёхуд аста-секинлик билан томзилаётгани учун ўрганиб қолиб, иллатга қарши курашадиган иммунитетларини йўқотишган.

Бу телесериалларнинг ҳам ишқибози бўлса, кинотеатрларда, алоҳида жойларда намойиш этилса, қанийди. Шунда уларни истаган кишигина кўриб, омманинг катта қисми омон қолиши мумкин эди. Ҳолбуки, бу сериаллар телевизор экранларини эгаллаб олди, биз истасак-истамасак, ҳар кунни, ҳеч бир тўсиқсиз хонадонларимизга кириб келмоқда. Айниқса, телевизор аксар халқимизнинг ягона овунчоғи бўлиб қолган бир паллада, айниқса ҳали дунёқарашни шаклланиб улгурмаган болалар, ёшлар бу филмларни «симириб» кўрмоқда. Ва худди шу телесериаллар таъсирида феъл-атвори, юриш-туриши, ҳаёт ва атрофдагиларга муносабати салбий томонга ўзгараётганини афсус билан кузатиш мумкин. Нега маъно-моҳияти ахлоқсизлик асосига қурилган бу телесериаллар бутун бир миллат олдига олиб чиқилляпти? Уларни ҳамма кўриши иунчалик зарурми? Умуман, бу аччиқ ичакдай чўзилган сериаллар ҳақида замондошларимизнинг ўзлари қандай фикрда? Бу хусусда ёши, касби турлича бўлган ўқувчиларимиздан фикр сўрадик.

Салима КОМИЛОВА,

ўқитувчи:

— Кун бўйи дафтар-китобга термулаверганингиздан кейин бадиий китоб ўқишга хафсала ҳам қолмайди. Лекин асосий ишдан чалғиш, дам олиш ҳам керак. Шундай пайтларда телевизор қаршисига ўтираман. Аммо... кейинги бир йилдан ортиқ вақт давомида Ўзбекистон телевидениясининг “Ёшлар” канали “Гвадалупе” телесериалини намойиш қилди. Бир-ярим қолдирмаган бўлсам, бошидан охиригача кўрдим. Лекин қачон шу сингари филмлар хусусида гап қўзғалса, қизларимга ҳам, ўқувчиларимга ҳам уларни томоша қилишдан ҳеч бир фойда йўқлигини айтаман. Чунки бу филмлар қаҳрамонларининг юриш-туриши, кийиниши, ўзларини тутуши, ҳис-туйғуларини ифодалашлари бизнинг миллий қадриятларимизга ёт. Андиша, ҳаё-ибо, покдомонликдан йироқ. Ёшлар эса уларга кўр-кўрона эргашадилар, алданадилар. Бундан Ўзи ас-расин.

Нурбой АБДУЛҲАКИМ,

адабиётшунос:

— Инсон таъсир этиб, таъсирланиб яшайди. Ҳато тушунча

унинг онгини заҳарлаши, соғ лом фикр нурлантириши мумкин. Филмларнинг таъсир кучи катта. Ўзбекистон телеведениеси 1-каналида япон ижодкорлари яратган “Ошин” телесериалини илк кўрганимда, ажиб таассуротни бошимдан кечирганман. Филм бошланадиган лаҳзаларни интиқлик билан кутардим. Негаки, филм қаҳрамони Ошиннинг фарзандлари, оиласи, дўстларига бе-ниҳоя очиқ кўнгли, ҳаётга, Ватанга чексиз муҳаббати кишини сергак тортиради, ҳавасини келтиради, эзгу туйғуларини уйғотади. Филмдан ибрат оласиз, ўрнингиздан кучли бўлиб қўзғаласиз.

Қурия киночиларининг “Қиш сонатаси”, “Ёз ифори” филмларида ҳам самимият ила кўнгилда кечадиган севинч ва изтиробларнинг манзарасини кўриш мумкин. Шулардан келиб чиқиб, шарқона қадриятлар билан зийнатланган кинофилмлар намойиш этиб борилса, фойдадан холи бўлмайди, деган фикрдаман. Ҳатто бу филмларнинг бачканаликдан холи тасвир муваффақиятларидан ўзбек киночилари ҳам ўрганса бўлади. Аммо Ғарб телесериалларининг биронтасини ҳазм

қилолмадим. Уларнинг энг маш-хури ҳам ғийбат даражасидан юқори эмас.

ТОШТЕМИР:

— Шомдан кейин кўпинча бутун оиламиз бир жойда жам бўламиз. Отам-онам, икки акам ва янгаларим, жиянларим, уч укам, икки синглим. Мен ҳам хотиним ва болаларим билан шу ерда ҳозир бўламиз. Бир-биримиздан ҳол-аҳвол сўраймиз, маслаҳатлар қилишамиз, кунлик-эрталик режалар ўртага ташланади. Ва гоҳида, оламда нима гап экан, деб телевизор ҳам ёқиб қўйилади. Ғарб телесериаллари бошланди дегунча ўртага бир ноқулайлик тушади. Бизнинг ахлоқий тушунчаларимизга зид, бузуқ манзаралар экран юзини эгаллаб олади. Охири телевизорни ўчирибгина асли ҳолимизга қайтган бўламиз. Нега оилавий бўлиб кўриб бўлмайдиган, диний-миллий урф-одатларимизга умуман ҳилоф филмлар ҳамманинг кўзи тушадиган минбардан намойиш этилади? Бу халқнинг азиз ҳис-туйғуларини менсимаслик, покиза ҳаёт тарзини издан чиқариш эмасми? Мен буни маънавиятимизга, унинг эртанги ҳолатига тажовуз деб биламан.

“Кўзларингиз ҳаёти дунё зийнатларини кўзлаб, улардан ўтиб (ўзга аҳли дунёларга боқмасин)! Ва Биз қалбини Бизни зикр этишдан гофил қилиб қўйган, ҳавойи-нафсига эргашиган, қилар иши исрофгарчилик бўлган кимсаларга итоат этманг!” (Каҳф, 28).

* * *

«Эй умматларим, агар сизлар бир-бирларингизни яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтариб туришни тарк этсаларингиз, бошингизга шундай бир бало ва офат келадики, у яхши-ёмонга баробар фожиа бўлади».

Ҳадиси шариф

Қаҳрамон РАЖАБОВ, тарихчи:

— Менинг “Гвадалупе” сингари телесериалларни кўришга вақтим ҳам, хоҳишим ҳам йўқ. Аввало унинг томошасига кетган вақт беҳуда, маъносиз ўтди ҳисоб. Ҳар кун бир соат-икки соатдан йиллар давомида совурилган умрни тасаввур қилиб даҳшатга тушмаслик мумкин эмас. Бу қийматли вақт ёлғон ва маърифатдан йироқ тасвирларни кўришга кетиши икки қарра йўқотишдир.

Буни-ку мен биламан, лекин болаларим, улар ёшидагиларга қандай тушунтирамиз? Астойдил тушунтиришга уриняпмиз. Назорат қилияпмиз. Афсуски, доим тепасида туролмаймиз. Иш билан, турмуш-ташвишлари билан юрганимизда қизиқишлари устунлик қилиб, болаларимиз бу филмларни барибир кўришяпти. Бу ҳазилкам йўқотиш эмас. Ана шундан қуяман.

Гулсара ИБРОҲИМОВА:

— Ўзимиз, теварак-атрофимиз оддий туюлади-ю, жиддий тадқиқ этилса, жуда кўп сирли томонлари, эътибордан четда қолаётган ажойиботларини илғайсиз. Шу ҳаётимизнинг ўзи телесериаллар қилинса, ундан кўз узолмай қоласиз. Маърифатингиз даражасида билимингиз ошади. Айниқса, оламнинг ҳар хил зиддиятлари, одам қисмати миллий асосда тўлақонли ечилса, фойдаси каттароқ бўлади.

Бироқ бизга тўрт-беш йилдан буён пайдар-пай тақдим этиб келинаётган Лотин Амри-

қоси телесериаллари ҳақида бундай деб бўлмайди. Мана, “Морена Клара”, “Муҳаббат қаҳваси”, “Эсмералда”, “Камела”, “Гвадалупе” каби телесериалларни бир бор эсланг. Бу филмларнинг номлари ҳар хил бўлгани билан мавзу, қаҳрамонлар тақдири, хатти-ҳаракатлари икки томчи сувдек бир-бирига ўхшайди. Бир-бирини такрорлайди. Ҳаётдан йироқлиги, тўқилганлиги шундоқ сезилиб туради. Энг ёмони уларда ёвузлик, зўравонлик, ахлоқсизлик, моддий бойликка ўчлик каби иллатлар тарғиби кучли. Бу нарса жуда хавфли-ку. Шу боис бу сингари филмлар миллий телеведениямизда умуман қўйилмаслигини истардим.

Буларнинг ўрнига, томошачига илм-маърифат берадиган кўрсатувларни кўпайтириш зарур. Масалан, “Кусто ва унинг командаси” каби илмий-ҳужжатли филмлар жуда ҳам керак. Улар теварак оламни тўғри англашимизга ёрдам беради.

МУСЛИМБЕК, китоб сотувчи:

— Ишдан қайтсам, хотиним ва болаларим телевизорга термулиб ўтиришибди. “Ёшлар” телеканалида “Ёлғон асираси” деган янги телесериал бошланибди. Бериб кетишганини кўриб, мен ҳам қизиқдим. Аммо кўп ўтмай асабим бузилди. Негаки, яна ўша эски ғийбатларнинг янги тасвири... Беихтиёр дейман:

— Нима қиламиз бу филмларни кўриб, унинг бизга ҳеч қанақа фойдаси йўқ-ку! Лекин

маънавий зарари... айтса, адоғи йўқ. Гоҳ ўзларининг бузуқ ақидаларини тиқиштиришади, муқаддас қилиб кўрсатишади, кўраверамизми? Гоҳ ёлғон оҳ-воҳлар қилиб, энг азиз, покиза туйғуларни сийқалаштиришади, бунга ҳам кўраверамизми? Гоҳ ёлғиз қолганда ҳам киши уяладиган ҳолатларни кўз-кўз қилишади, бунга ҳам термулиб ўтираверамизми?

Атрофга бир қарайлик: ёшларнинг юриш-туриши, кийиши, ҳаётга муносабатига бу филмларнинг салбий нуқсини сезмаслик мумкин эмас. Оилавий нотинчликлар ҳам кўпайяпти. Бу ҳол ўз-ўзидан пайдо бўлмаган бўлса керак. Бунда маънисиз, шарм-ҳаёдан йироқ филмларнинг ҳиссаси борлиги аниқ.

Шу боис ҳам ҳар бир янги филмни тақдим қилишдан олдин маънавийтимиз мутасаддилари бу хусусда жиддий ўйлаб кўрсалар яхши бўларди. Айниқса, буни нон-насибасини шундан топаётган, бола-чақасини шу ишнинг орқасидан боқаётганлардан илтимос қиламан.

* * *

Мана, телесериаллар ҳақида бир неча мулоҳаза фикрлар билан танишдингиз. Албатта, кўпчилик орасида бу филмларнинг тарафдорлари ҳам бор, ҳимоячилари ҳам топилади. Аммо юрагида заррача миллий туйғуси бор одам ҳеч, мен бу филмлардан фойда кўрдим, маънавий озуқа олдим, демаса керак. Ҳатто уларни кўраётганлар ҳам бу шарм-ҳаёсиз, ҳаётий маънодан холи сериаллардан безор, руҳиятимизга, эътиқодимизга ёмон таъсир қилаётганидан ташвишда.

Яқинда узоқ давом этган, вайсақи бир ғийбат филм тугаб, кейинги ҳафтада ундан ҳам ошадиган “Ёлғон асираси” деган янги телесериал намойиши бошлаб юборилди. Бу ишларга сизнинг муносабатингиз қандай, азиз ўқувчи?

Таҳририят

Исмоилхон ибн Иброҳим Хожжа ибн Иноятуллоҳ ибн Мирза Калон Абдулазиз хожжаи Шаҳрисабзий-Фақирӣ оғир замонларда ҳам дину имонига содиқ қолган шоирлардан эди. Шоирнинг боболари Иноятуллоҳ Хожжа Ҳуроқ ибн Мирза Калон Шаҳрисабз муфтийи, отаси Хожжа Ҳуроқ эса Шаҳрисабзда Мирзо Улуғбек қурдирган (XV аср) жомеъ масжид имоми, мадраса раҳбари бўлган.

Исмоилхон 1910 йили Шаҳрисабзда туғилди. 1914 йили отаси вафот этгач, уч яшар Исмоилхон бобоси Иноятуллоҳ Хожжа тарбиятида қолди. У ҳам оламдан ўтгач, онаси тўрт-беш яшар ўғлонни мактабга берди. Совет ҳукумати тузилиб, исломий мактаблар ёпилгач, сабоқларни уйда давом эттирди. Онаси илм-маърифатли аёл бўлиб, Маҳзуна тахаллуси билан шеърлар ёзган. Исмоилхон тўққиз ёшларида Алишер Навоий асарларини ўқийдиган бўлди. Саъдий, Фирдавсий, Низомий, Фузулий шеърляти билан танишиб, адабийётга ишқи тушди. “Баёзи Фақирӣ”, “Ашъори мутафарриқот”, “Рисолаи тариқа”, “Китоби адъийа мин мужарриботи халили ихвон”, “Ҳикоёти Фотимату-з-Зухро ва Оиша” кабилар Фақирӣнинг энг қимматли шеърӣ, адабий-илмӣ, маърифӣ асарларидир. Исмоилхон Фақирӣ 1980 йили ҳозирги Қашқадарё вилояти Китоб тумани Сарӣосӣё қишлоғида вафот этди.

Исмоилхон ФАҚИРИЙ

Аҳли дуони излагил

Муножот

Эрусан ожизу афтодаларга
мутако, ё Раб,
Ики оламни шоҳидурсану
биз гадо, ё Раб.

Ажаб сонё эрусан, зарра васф
этноқ эмас мумкин,
Ики ҳарфӣ-ла пайдо айладинг
икки сарро, ё Раб.

Бу янглиф қудратинг зоҳир эрур
хуршид ила ойдин,
Не ҳад, ҳамдингни айтурға манингдек
бенаво, ё Раб.

Агар дунёда ҳар бир банда осий
ё мутиъ ўлгай,
Умиди раҳмат айлаб, тилдадир
ҳамду сано, ё Раб.

Агар бу дунёда ёхуд у дунё
ҳар гуруҳеким,
Сани адлинг биладурлар балога
мубтало, ё Раб.

На бўлғой, лутфу эҳсонинг била
якбора қутқорсанг,
Агар чанде эрурлар лойиқи
ҳар бир жазо, ё Раб.

Каломингда Узунг “Ла тақнату мир
раҳматиллоҳ” деб
Ҳамани айладинг рожий, зиҳи
фазлу ато, ё Раб.



Ул оят ҳурматидин бизни
қутқорғил балолардин,
Тараҳҳум айла қўнглумизга бир
сидку сафо, ё Раб.

Ҳама маҳбус, мўминлар бошидин
ғамни кетказгин,
Фақирӣ айлаюр Санга бу янглиф
илтижо, ё Раб.



Фазал

Худовандо, ўзунг лутф эт,
мани қўйма хижолатда,
Гуноҳимни сабук қилғил
ўшал рўзи қиёматда.

Ба ҳаққи ул Ҳабибуллоҳ
Ўзунг раҳм эт бу бандангга,
Қатори жумлаи мўмин
ҳамиша айла роҳатда.

Туфайли ул Муҳаммаддин
Ўзунг этма мани расво,
Ҳабибинг ҳурматидин
еткуриб қурби саодатда.

Қиёмат шиддатидин қайнаса
бошим қазон янглиғ,
Шафеъим ўлмаса Аҳмад,
начук қилғум у ҳолатда?!

ИЗИ ЙЎҚОЛГАН БОЙЛИКЛАР

1964 йил эди ўшанда. Мактаб ўқувчиси эдим. Юртимиз алломаларининг жуда кўп нодир асарлари, қимматбаҳо қўлёзмалар Масковда, хорижий мамлакатларда сақланаётгани ҳақидаги хабар ва маълумотларга дуч келавергач, нега шундайлигини билишга қизиқиб, “Шарқ юлдузи” журнаliga мактуб йўлладим. Журналнинг ўша пайтдаги бош муҳаррир ўринбосари Ҳайдарали Ниёзов жавобида турли тарихий сабабларга, вазиятларга кўра, асар ва қўлёзмалар мамлакатимиздан чиқиб кетганини қисқача баён қилганди. Кейинроқ англадимки, у пайтларда бу ҳақда гапириш анча мушкул бўлган экан. Сабаби, халқимизнинг тарихи ва миллий меросига доир минг-минглаб нодир китоблар, осори-атиқалар, тарихий ва маданий бойликлар «катта оғалар» томонидан ўғирланиб, зўравонлик билан тортиб олиниб, ташиб кетилган экан. Қолганлари эса гулханларда ёқилган, сувда оқизилган, ахлатхоналарга улоқтирилган.

Чор империяси XIX асрнинг иккинчи ярмидаёқ Ўрта Осиёдаги бойликларга кўз олайтира бошлаган. Сайёҳ, тожир, олим, ҳарбий мутахассис ниқоби остида диёрларимизга изғиб келганлар ер ости ва санат бойликлари бир ёқда қолиб, тарихий ва маданий обидаларни ҳам махфий суратда ташиб

кета бошлашди. Биргина мисол: Санкт Петербургдаги Осиё музейи директори Х.Френ 1834 йилиёқ Шарқ олимлари ёрдамида Ўрта Осиёда излаб топилиши мумкин бўлган бир юз учта нодир асарнинг рўйхатини тузиб чиққан. Русия бу ўлкани истило қилишни бошлар экан, мамлакат молия ва мудофаа назирликлари зобитлар ва аскарлар қўлига Туркистон ша-

ҳарларидан йиғиб олинажак нодир қўлёзма ва китоблар, танга ва муҳрлар, амалий санъат намуналари ва бошқа осори атиқалар рўйхатини ҳам тутказган.

Ана шу “фатво”дан сўнг ҳарбийлар табаррук турк заминининг Бухоро, Хива, Самарқанд, Қўқон, Хўжанд, Тошкент каби шаҳарлари, энг овлоқ жойларида ҳам изғиб, маданий бойликларни ахтара бошлашди. 1870 йили Шаҳрисабз ва Китоб бекликларидан тўқсон етгита қадимий нодир қўлёзма олиб кетилди. Мудҳиш воқеалар гувоҳи бўлган хоразмлик шоир ва муаррих Муҳаммад Баёний ёзишича, Хива хони хазинасида сақланаётган тўққиз юздан зиёд ноёб қўлёзмалар, минг-минглаб тарихий ҳужжатлар, нозик санъат намуналари Санкт Петербургдаги Русия императори кутубхонасига элтиб кўйилди. Петербург ва Масков музейларини тўлдирган осори атиқалар орасида Хива хонининг тахти ҳам бўлган. Бу ҳақда ўрис олими В.Стасов: “Бу тахт — Хива усталарининг маҳорат чўққиси, металлга гул солиш санъатининг бетакрор маҳсулидир” деб ёзади.

Иш шунага бориб етдики, бутун Ислом олами учун ниҳоятда мўътабар бўлган Мусҳафи Усмон ўлка бош губернатори генерал фон Кауфман томонидан 1869 йили импературга “тортиқ” қилиб юборилди. Муттаҳам генерал ўғирлигини оқлаш учун Русия маориф вазирига юборган хатида уялмай-нетмай қуйидагиларни ёзади: “...Бу Қуръон Хўжа Аҳрор масжидида бўлгани билан унинг мулки эмас, балки Бухоро амирининг хазинасига мансуб. Масжиднинг ҳам, мусулмонларнинг ҳам бугунги кунда унга заруратлари йўқ... Ҳеч ким бу Қуръонни ўқий олмайди, шунинг учун неча асрлардан буён ўқилмай ва тиловат қилинмай ётибди. Шундан сўнг генерал Абрамов бу Қуръонни олиб, масжид фойдаси учун юз рубл берди. Самарқанд уламолари бунга кўп хурсанд бўлдилар. Ёзилиш тарихи жиҳатидан катта жаҳоншумул аҳамиятга молик бўлса керак, деган ниятда ушбу Қуръонни шошилинич равишда юборяман...”

Генерал фон Кауфманнинг фахрий ва махфий маслаҳатчиси, ҳарбий шарқшунос А.Кун миллатдошларига ўлканинг Хоразмий, Форобий, Фарғоний, Наршахий, Беруний, Ибн Сино, Хўжа Аҳрор Валий, Аҳмад Яссавий, Улуғбек, Сўфи Оллоҳёр, Навоий каби даҳоларининг қўлёзмаларига алоҳида аҳамият беришни таъкидлаган. Унинг тавсиясига кўра ана шундай қимматбаҳо бойликларни қўлга киритган ўрис ва казак ҳарбийлари унвон-мукофотлар билан рағбатлантириб турилган. Юртимиздан ташиб кетилган сон-саноксиз маданий обидалар Масков, Санкт Петербург музейларида, Салтиков Шchedрин номли Санкт Петербург кутубхонаси омборларида ҳозиргача чанг босиб ётибди, каттагина қисми эса хорижий ўлкаларга сотиб юборилди. Тарихчи Гартевелд ўзининг “Кўчар кумлар ва кесилган бошлар” китобида 1875-1876 йиллари Қўқонга юриш қилган ўрис қўшинлари хон кутубхонасидан бир юз ўттиздан ортиқ энг нодир



қўлёмаларни олиб, Петербургдаги императур кутубхонасига жўнатганини ёзади.

Тарихчи олимлардан Нафиса Содиқова ва Мажид Ҳасанийлар ёзишларича, ўрис босқинчилари зўрлик ва алдов йўли билан тортиб олган бойликларни Туркистон бозорларида хорижликларга сотиб, пулига ароқхўрлик, бузуқилик қилишган, қимор ўйнашган. Бухорода амир Абдулаҳад, Саид Олимхон ҳукмронлиги даврида кўпгина нодир қўлёмалар, китоблар амирзодаларнинг қимор ўйнашлари эвазига ўрис ва чет эл савдогарлари қўлига ўтиб кетган. Бу борада Туркистон бош губернатори Розенбахнинг хотини Олга Ивановнанинг нафси айниқса наҳанг бўлган. У хонлар ва амирлардан ундирган ноёб бойликларни Тошкентда кимошди савдосида сотиб, беҳисоб пул жамғаради. Шу тариқа халқимизнинг нодир санъат ёдгорликлари, қимматбаҳо қўлёмалар Британия, Туркия, Эрон, ҳатто Амриқога олиб кетилади.

1895 йили Н.Веселовский Гўри Амир мақбарасининг нафис безакли, нақшинкор дарвозасини Петербургда олиб кетади. Мақбаранинг гарбидаги эшик ҳам ўғирлаб, сотиб юборилади. Ҳозир у Лондондаги музейда сақланипти. Амир Темур ва Хўжа Аҳмад Яссавий мақбаларидаги олтин-қумуш шамдонлар, олтин қандиллар, санъат буюмлари ҳам беному нишон йўқолди.

Андижондаги Дукчи Эшон қўзғолони бостирилганидан кейин унинг бой шахсий кутубхонаси мусодара қилиниб, Тошкент кутубхонасига сақлаш учун топширилган эди. Аммо кўп ўтмай мазкур қўлёмаларни зудлик билан Петербургда жўнатиш ҳақида ўрис “тўра”ларнинг фармони келди. 1901-1902 йилларда ичида “Чингизнома”, “Темурнинг Ҳиндистонга юриши кундалиги” каби ноёб асарлар бўлган бир юз тўқсон тўртта қимматбаҳо қўлёмалар Русияга ташиб кетилди.

Ўрис тожир ва олимлари булар билан чекланмай, аҳоли хонадонидagi китоблар, нафис санъат ва ҳунармандчилик асарларига ҳам кўз олайтира бошлашган. Ўша Веселовский деган олим турли баҳоналар билан самарқандлик Мирза Бухорий деган кишидан бир минг икки юз иккита осори-атиқа буюм, саксонта тилло-қумуш танга, бир юз саксон еттита муҳрни сув текинга олган. Бухорий топширган жами олти мингдан зиёд нодир бойликларнинг бир қисми Эрмитажга, қолгани Осие музейига ўтказилган.

Ўктябр тўнтаришидан аввал ўрис корчалонлари китоб ва қўлёмаларни, ноёб осори-атиқаларни арзон-гаровга бўлса ҳам, сотиб олган ёки ўғирлаган эса-да, уларнинг бундан кейинги тақдири аянчли кечди. Юртга болшавойлар қадами етгач, маданий бойликар сўраб ҳам ўтирмай, тортиб олинаврган, таланган, ўтда куйдирилган, сувга оқизилган. Шоҳидларнинг гувоҳлик беришларича, араб алифбосида битилган китоб ўриснинг қўлида бўлса, ҳеч ким индамаган, агар ерли аҳолидан китоб топиб олишса, дарҳол ҳибсга олиниб, отиб ташлан-

ган. Ана шу “тартиб” туфайли минг-минг жилд энг нодир қўлёмалар китоблар исзиз ғойиб бўлди: Кимдир уларни кўмиб ёки девор орасига тиқиб, суваб ташлади, дарёга улоқтирди ёки ёқиб юборди. Баъзилар эса мансаб-манфаат илинжида китобларни ўрис “оғалар”га етказиб турди, улар эса ўз навбатида Оврупага пуллашди.

Бир-икки мисол: 1920 йили қизиллар Бухорои шарифга ҳужум чоғида Аркка осмондан портлатқич ташлаганида ёнғин чиқиб, ноёб китобларнинг бир қисми ёниб кетган. Қолганини аскарлар Аркдан пастга улоқтириб, катта гулханда ёқишган. Ўратепадаги гишт заводи уч ой мобайнида аҳолидан тортиб олинган ноёб қўлёмалар ва босма китобларни ўтин сифатида ёқиб, ишлатилган.

Биргина 1917-1923 йилларда Туркистон ўлкасидан тўплаб, олиб кетилган осори-атиқалар, маданий бойликлар икки юз эллик тўрт минг икки юзтани ташкил этган. Булар расмий маълумот. Яширинча ўғирланган, куйдирилган, нобуд қилинганлари бунга кирмайди.

Юртнинг маданий бойликларини ташиб кетиш, талон-торож қилиш кейинчалик ҳам тўхтамади. 1941 йили собиқ иттифоқ Маориф Халқ Комиссарлиги буйруғига кўра, Ўзбекистон халқлари тарихи музейидан юзга яқин осори-атиқалар, заргарлик буюмлари олиб кетилди. Бойликларнинг қолган-қутганини саксонинчи йилларда Гдян ва Ивановнинг гунашталари ташиб олишди.

Халқимизнинг тарихий ва маданий мероси бўлган бебаҳо қўлёмалар, бетакрор осори-атиқалар ҳозирги пайтда Масков, Санкт Петербургдаги Эрмитаж, Красное Село, Этнография, Шарқ халқлари тарихи, Политехника музейларида, дорилфунун ва илмий-тадқиқот институтлари кутубхоналарида хор бўлиб, чанг босиб ётибди. Уларнинг хорижга сотиб юборилганлари Лондондаги Британия музейидан, Лондон, Техрон, Истамбул, Лейпсиг, Париж, Деҳли, Агра музейларидан, Оксфорд ва Кембриж дорилфунунлари кутубхоналаридан жой олган.

Ўтган асрнинг 90-йиллари бошида бу бойликларни Ўзбекистонга қайтариш масаласи бир неча бор кўтарилган эди. Афсуски, кейин унутилди. Русия ҳозир ҳатто иккинчи жаҳон урушида Олмонияга ташиб кетилган жуда кўп нодир китоблар, санъат асарлари, қимматбаҳо осори-атиқаларни қайтариб олишга эришди. Ҳатто машҳур “Зумрад хона” (Янтарная комната)ни қайтариш ҳақида баҳс-мунозаралар тинмаётир. Подшоҳ хонадонига тегишли бир неча тухум шаклидаги олтин санъат асарларини бир янги ўрис бойи шу йилнинг бошида кимошди савдосида харид қилиб Амриқодан юртига қайтаришга эришди.

Ўтмишини унутган келажакини ҳам бой беради, деган гап бор. Аждодларимиз яратган, авайлаб-асраб фарзандларига мерос қолдирган минглаб ноёб маданий бойликларни ўз жойига, ҳақиқий ёгаларига қайтариш учун барча чораларни кўриш вақти келмадимикин?

НЕГА ШОШИЛАМИЗ?

Ўринсиз шошилиш инсон табиатидаги нуқсонлардан биридир. Шошқалоқлик асло фазилат саналган эмас. Шошилган кишининг ишлари тугал-мукаммал бўлмайди. Аксинча, кўп вақт оқибати пушаймонлик билан тугайди. Шошиб гапираётган ваъхоннинг маърузасини илғаб олиш қийин бўлади. Йўл ҳаракат қоидасига амал этмай, шошиб кетаётган машина эгаси ўзининг ҳам, бошқаларнинг ҳам ҳаётини хавф остида қолдиради...

Биз кўпинча хизматларимиз, меҳнатларимиз ва ҳатто тоат-ибодату дуоларимиз самарасини кўришга шошиламиз. Расулуллоҳ (с.а.в.) айтдилар: “Банда агар шошилмаса, яхшиликда бўлаверадими”. Саҳобалар: “Қандай қилиб шошилади, эй Расулуллоҳ?” деб сўрашди. “Аллоҳга дуо қилдим, дуо қилдим, лекин ижобат қилмади, деб», дедилар («Танбеҳул-ғофилин», 2-китоб, 187-бет). Ибодатлар, дуолар савоби-самарасини дарҳол, шу бугун ё эртага кўришга шошилиш ҳам шайтоннинг инсон қалбига қилаётган ҳужумлари оқибатидир. Мўминлар намозларини хушув-хузув билан хотиржам ўқишга буюрилган, албатта. Аммо айнан шайтоний васвасалар туфайли ёлғиз намоз ўқиётганида одам баъзан шошилади.

Аллоҳга муножоти хаёлидан кўтарилиб, фикри чалғийди, шайтон ҳийлаларига алданиб, намозида шошилишни бошлайди. Худди товуқ дон чўқиладигандек тез-тез саждага боради. Жамоат орасида эса, гарчанд имомга иқтидо қилаётган бўлса-да, айнан шошилгани туфайли баъзан имомдан аввал сажда ва рукуъга кетади, имомдан олдин сажда ва рукуъдан туради. Бунинг оқибатида қиёмат куни боши эшак бошига айланиб қолишини ҳеч ўйламайди.

Ривоят. Шошганидан отига аёвсиз қамчи бошиб кетаётган бир киши йўлда бир нафас тўхтабди. Ўзига рўбарў келган кимсадан: «Шошиляпман. Кеч қоляпман. Агар шу тезликда кетсам, йўлдаги фалон шаҳарга етиб оламанми?» дея сўрабди. Шунда ҳалиги оқил инсон бир бетоқат чавандозга, бир пошиллаб нафас олаётган отга қараб: «Менимча, шошмасангиз, — тез етасиз, шошганлардан ўзиб кетасиз. Секинроқ юринг, албатта етиб борасиз. Акс ҳолда, билмадим», деган экан.

Шошган одам кўпчилик ичида кулгу бўлади. Кўпол бўлса-да, айтай: халқимизда «Шошган қиз эрга ёлчимайди», деган гап ҳам бор.

Воқеа. «Мақола сарлавҳаси бошимдан ўтган маҳзун бир ҳодисани эсимга туширди. Талаба эдим. Қишки таътил олдида имтиҳон-синовлар якунланаётган давр эди. Сабоқдошларим уйларига жўнаш тараддудида. Бироқ мутахассислик фанидан менинг қарзим бор. Адолат юзасидан айтишим керак: газетада мухбирман, машғулотларга кирган эмасман, берилган вазифа ҳам бажарилмаган. Профессор жиддий киши. «Баҳони осмондан олиб қўяманми?!» дейди. Тилли-жағли эмасманми, бир эпласам керак. Жуда бўлмаса, бирор суҳбат қиларман газета учун. Аммо фойдаси бўлмади. Уйга шошиладиганимни айтдим. Шошқалоқлигим сабаб ёлғон тўқидим. Аввалига «Уйлантиришмоқчи, тезроқ боришим керак», дедим. Бўлмади. Бир кун ўтиб, роса хомуш тортиб, аздор қиёфага кирдим. «Бувимиз бетоб эди, оғир эканлар». Ҳолбуки, бувим раҳматликнинг ўтиб кетганларига уч йил бўлган эди. Хуллас, бирор тадбирим ҳам ёрдам бермади. Борсам, «Гайёрланиб индинга келинг, академияда эртага маърузам бор», деди. Бундай «шафқатсиз» таклифга тоқат қилиб бўладими? Дарҳол шоша-пиша ректор номига туҳматнома шикоят ёздим. Профессорни қорайтириб, ўзимни оқартирдим. Профессор мендан ҳам юқорироққа мурожаат қилган кўринади, машмаша бошланди. Мен расмий ҳужжатларга, давомат-йўқламаларга эътибор бермаган эканман. Текшир-текширда айбларим юзага қалқиб чиқди.

Хуллас, шошқалоқлигим мен учун қимматга тушди, талабалар сафидан кетдим. Ошиққаннинг оғзи куяр, деган гап нақадар ҳақ эканига шунда ишондим. Тўғри. Шошиб қаерга ҳам борамиз?»

Собиқ талабанинг ўша қилғилиқлари имомдан олдин бош кўтарган намозхоннинг ҳаракатига ўхшамайдими? Бугунги маиший турмушимизда бундай ҳодисалар кўп. Бу инсон табиатидаги биргина шошқалоқлик билан эмас, ёлғончилик, виждонсизлик каби қатор иллатлар билан ҳам боғлиқ.

Мансаб, буйруқ бериш касаллигига гирифтор кимсалар зинама-зина, кунма-кун, ўзининг лойиқ-нолойиқлигидан қатъи назар, тепага қараб шошилади...

Аслида, инсон зоти агар шошилса, эзгу амаллар учун шошилиши керак. Исломиёв одоб-ахлоқ қоидаларига кўра, ота бўйи етган қизини турмушга тез узатгани маъқул. Қарздор кимса им-

кони борича тезроқ бўйнидаги юкидан қутулиши керак. Эрта-индин ўлим эшик қоқиб келади. Гуноҳларни ювиш учун тавбага шошилиш лозим. Ўлган кишини дафн этишга шошилиш ҳам исломий одоблар доирасига киради. Ибодатларни ўз вақтида адо этишга, намоз вақти ўтиб кетмаслиги учун таҳоратга шошилиш яхши. Аммо бу шошилиш ҳам кечиктирмаслик маъносидадир, асло шошқалоқлик маъносида эмас.

Масалан, намозга шошилиш деганда ҳам кечикаётган одам чопиб-югуриб келиб қўшилиб олсин, деган маъно тушунилмайди. Аксинча, намозни ҳисобга олган ҳолда олдиндан тайёргарлик кўриб қўйиш тушунилади. Намозга эса босиқ-вазмин қадамлар ва салобат билан келишга буюрилганмиз. Расулulloҳ (с.а.в.) намозга кечиккан кишиларнинг сафда турган намозхонларни безовта қилиб, шовқин-сурон билан жамоатга келиб қўшилганларига: «Намозга келганда ундай қилманглар, тинчликка риюя қилинглар...», деган мазмунда танбеҳ берганлар. Ҳузайфа ибн Ямон (р.а.) бир кишининг намозни шошиб ўқиётганини кўриб: «Қачондан бери намоз ўқийсан?» деб сўрадилар. «Қирқ йилдан бери», деди у. «Демак, қирқ йилдан бери намоз ўқимабсан. Агар шу намозинг билан ўлсанг, Муҳаммадниқидан (с.а.в.) бошқа фитратда ўлган бўласан», дедилар (*Имом Бухорий ривояти*). Бундай ўғитлар мусулмонларнинг ибодатлари тўқис бўлиши учун дастур бўлади, албатта.

Хайру садақа беришга, охираат учун савоб тўплашга, умрни беҳуда ўтказмай гўзал амаллар ижросига тезда киришнинг оқибати ҳам, албатта, хайрлидир.

Шошиб таом ейилса, исроф бўлади, ҳазми қийин кечади. Шошилиб қадам босган одамнинг юриши анча хунук кўринади. Шошиб китоб ўқиган одам асар моҳиятини англамайди...

Шайтон қутқусига учиб, тубан манфаатлар йўлида нафс балоси учун шошамизми ёки эзгу ишлар, савобли амаллар учунми? Нега унисига шошилаемиз, бунисига шошилмаймиз?

Баҳодир НУРМУҲАММАД

Фозил ЗОҲИД

КЕЧИРИМЛИ БЎЛАЙЛИК

*Мусулмонни юз чўп урди бир дун,
Ўшал озодадан кеч чиқмади ун.
Деди бир нозире: қўп, ҳокима бор,
Бу айди: Ҳоким ҳозирдур, эй ёр.
Тан жону чунон омлоки Рабдур,
Мақсад истамак биздин ажабдур.*

“Саботул ожизин” даги бу ривоятнинг мазмуни равшан: пасткаш жоҳилдан бир мусулмон зулм кўрди, юз таёқ еди. Азобга чидади, овозини ҳам чиқармади. Воқеани кўриб турган бир киши мазлумга раҳми келиб: “Ҳокимга бориб, арз қил” деди. Жабридийда мусулмон жавоб қилди: “Эй, биродар, ҳоким шу ерда ҳозирдир”.

Бу жавобни мағзини чақиш қийин эмас. Мусулмонга ҳақиқат аён: юз берган ҳодисани Аллоҳ кўриб турибди. Олий ҳоким турганида, у бошқадан мадад сўрамоқчи эмас. Чунки Аллоҳнинг адолатига ишончи комил. Жон омонатлиги, унинг эгаси борлиги ҳақ. Демак, эгаси ўз мулки — жонни асрашга қодир. Шу боисдан таёқ еган бандда золим билан қасдлашиб-ёвлашишни ўзига эп кўрмади.

Шундан келиб чиқиб, ўзимизга савол берсак: нега бунча бесабрмиз? Сал қўполик қилган киши билан баҳслашиб-талашамиз, бир оғиз дағал сўз, ҳақоратомуз лафз учун жанжаллашиб, ҳатто судлашамиз. Ахир, устимизда Ҳокими мутлоқ турибди-ку. Аразлашиб юрмай, ўзаро кечиримли бўлсак, савоб топишимиз маълум. Қўлидан ё тилидан кишига озор берганлар, золимлар эса жазосиз қолмаслигига кафолат борлиги ҳан аниқ.



ЙИҒЛАГАН КЎЗЛАРГА ТУШГАН НУР

Бугун китоб расталарини айлансангиз, икки рисолага кўзингиз тушади. Булар Абу Ҳомид Ғаззолийнинг “Тавба” ҳамда “Ўлимни эслаш” китобларидир.

Абу Ҳомид Ғаззолий элик уч йил умр кўрди. Лекин юзга яқин асарлар ёзиб қолдириди. Улар қарийб минг йилдан буён мўмин-мусулмонларнинг қалби ва шуурини ёритиб келади. Қурбони қарим, ҳадиси шарифнинг ботиний ибратларини англамоққа кўмаклашади.

Бейб Парвардигор. Ҳар бир гуноҳимизга жазо борлиги аниқ. Бунга ҳис этган сари қалбни даҳшат босади. Нима қилсак, Аллоҳ бизни кечиради? Афсуски, чорасини тополмасдан қийнаётган, йўлсизликдан гуноҳга ботаётганлар кам эмас.

Ғаззолийнинг “Тавба китоби”даги огоҳномалар, аввало, амалимиз учун асқотади. Ривоятлар бизга ёрдамга келади, эртанги бадбахтликдан огоҳ этади. Ҳақиқатни англаш, тўғри йўлга қайтиш тавбадан бошланади. Сўнгра солиҳ амал қилиш, илм ўрганиш, яхшиликларга юзланиш билан саодатга эришиш мумкин.

“Диннинг заҳари — гуноҳ. Кимки уни содир этса, фурсат борида бу қилмишидан қайтмоғи вожиб. Бу фурсат умрдир. Фурсат бой берилса, умр зоеъ бўлади”.

“Етакчиси шаҳват, қўриқчиси шайтон бўлган йўлдан Аллоҳ талонинг йўлига қайтиш айна тавбадир”.

Бундан кейин руҳиятимизда нима ўзгаради? “Аллоҳ кўксига имонни жойлаган инсон унинг нури билан олдидаги жаҳолат зулматларини ёриб ўтишга, ҳар қадамда довдираб етакчига эҳтиёж сезавермасдан, сабот билан дадил юришга қодир бўлади”.

“Расулulloҳ демишлар: Одам фарзандларининг барчаси кўп хато қилгувчидир. Хато қилгувчиларнинг яхшиси тавба қилгувчилардир”.

Имом Ғаззолий инсон феъл-атворига кўзгу тутати, унинг бир-



бирдан фарқланиши, қай йўл билан икки дунё азобидан омон қолиши мумкинлигини маълум қилади. Расулulloҳ (с.а.в.) ҳаётларидан мисол келтиради.

“Гуноҳларинг учун ҳалигача йиғламаётган экансан, бу ҳолат нодонлигинг туфайлидир. Гуноҳларингни англамаётганинг ҳар қандай гуноҳдан оғирроқ гуноҳдир. Жаҳолат шундай мусибатки, унга йўлиққан киши ўзининг мусибат эгаси эканини билмайди”.

Китобда гуноҳдан қутулиш йўллари, тавба қилиш саодати бир-бир баён этилган. Бу ерда ҳаммасини санашнинг имкони йўқ.

Абу Ҳомид Ғаззолий “Ўлимни эслаш китоби”да яна бир номукамалликнинг йўлини қирқади, улкан жаҳолатга уруш очади. Дунёда жуда кўпчилик одамлар,

кишилик жамоалари туғилиш билан кўз очган ҳаёт ўлим билан ниҳоя топади деб ҳисоблашади. Ва ўртадаги қисқагина умр бизга берилган бахт-иқбол, вақтида ўйнаб қол, эртага ҳаммаси тамом бўлади, ундан у ёғи абадий йўқлик, деб жар солишади.

Бу нотўғри тушунча неча авлодларни жар ёқасига олиб бориб қўйди. Даҳрийлик оқибатида қадрли нарсаларни қадрсиз қилди, енгил-елпи, ўткинчи иштиёқларга «қадр, мартаба» берди... Ўлим ҳаммасини чилпарчин этар экан...

Китоб билан танишган ўқувчи ўзи бунга чуқур ҳис қилади. Мардона иқроорга келади. Бу дунё ўткинчи. Унда сурган давру давронимизнинг тўлови, қилган зулму залолатимизнинг эртага жазоси бор. Бу ўткинчи дунё. Ҳақ йўлида чеккан азиятларимиз учун охирада ажр ҳозирланган. Солиҳ амалларимиз, исзиздай кетган эзуликларимиз учун мукофот муқаррар. Уларга тайёргарлик ўлимни эслаш ила маъно касб этади.

Ким ўлим онларидаги маҳбуб амалларни билишни истамайди? Ким ўлим фариштасига йўлиқишдан даҳшатга тушмайди. Пайғамбаримиз (с.а.в.) ўлимни қандай кутиб олган эдилар? Саҳобалар, салафи солиҳлар-чи? Уларнинг ўлим олдидаги сўнгги сўзлари нима бўлган эди?

Буларни қалбга муҳрлагачгина, ўлимнинг чинакам моҳияти аён бўлади. Буларнинг ҳаммаси Абу Ҳомид Ғаззолийнинг “Ўлимни эслаш китоби”да ёниқ ва таъсирчан руҳда қайд этилган.

Шоир баҳор келишидан руҳланиб ёзади:

*Сен келдинг, уйғонди
яна шўх олқиш,
Йиғлаган кўзларга
тушган каби нур...*

Ғаззолий асарларидан олинган сабоқлар йиғлаган кўзларга тушган ёруғ нурлардир. Бу нурдан кўзлар қувонади. Қалблар покланади, жи-
лоланади.

Вафо ФАЙЗУЛЛОҲ

СУРИЯ АРАБ РЕСПУБЛИКАСИ

Фарбий Осиёда жойлашган Сурия (Шом) шимолда Туркия, жанубда Ўрдун (Иордания), ғарбда эса Лубнон (Ливан) ва Исроил (Жўлан тепаликлари) билан чегарадош давлат. Мамлакат ўн тўртта муҳофаз (губерна)дан ташкил топган.

Сурия жуда қадим тарихга эга мамлакат саналади. Милоддан аввалги 1760 йилларда Вавилон таркибига кирган. Юз йилдан сўнг уни хетлар босиб олишган. Миср фиръавни Рамсес Иккинчи ҳам унга қўз олайтирган, аммо Хумс яқинида мағлубиятга учраган. Кейинчалик мамлакат қўп марта қўлдан-қўлга ўтиб, финикийлар, оссурияликлар, ахамонийлар, эллинлар ҳукмронлиги остида яшашга мажбур бўлди.

Шом ерлари Ислом неъматини билан шарафланганига қадар етти аср мобайнида, аввал Рум, кейинчалик Византия, сўнгра форс давлатлари тасарруфида бўлди. Бу даврга келиб, шомликлар бутун Ўртаер денгизи атрофларида савдогарлари, саркардалари, олимлари, ҳуқуқшунослари билан шуҳрат топганлар.

Араб жазирасининг Макка ва Мадина шаҳарларида илоҳий ваҳий нозил бўлганидан сўнг Пайғамбаримиз Муҳаммад (алайҳиссалом) Шомнинг муслмон ўлкаси бўлишини истаб, бир неча бор вакил жўнатдилар. Чунки Яман ва Ўрдун оралигида қатнайдиغان савдо ва ғалла карвонлари Шом орқали ўтарди. Милодий 634 йили машҳур Ислом саркардаси Халид ибн Валид бошчилигидаги муслмон қўшинлар Бусро ва Дамашқни, кейинроқ эса Валабакка ва Хумс шаҳарларини фатҳ қилишди. 636 йилнинг кузида византияликларнинг юз минглик қўшинига қарши оз сонли ибн Валид аскарлари Ярмақ дарёси яқинида қақшатқич

Майдони: 185,2 минг кв. км.
Аҳолиси: 17,1 млн. киши (2001).
Пойтахти: Дамашқ шаҳри.
Давлат тузуми: Республика.
Бошқаруви: Президентлик.
Йирик шаҳарлари: Ҳалаб, Хумс, Ал-Ладхимия, Ҳамоҳ.
Пул бирлиги: Сурия фунти.



урушга кирадилар ва тўла ғалаба қозонадилар. Бу жанг Ислом ғазотлари ва фатҳлари тарихида юксак ўрин тутган воқеадир.

Милодий 661 йили Шом волини Муовия ўзини халифа деб эълон қилганидан кейин Дамашқ салкам юз йил мобайнида умавийлар қароргоҳи ва Ислом халифалигининг тахти бўлиб турди. Кейинчалик аббосий халифалар пойтахтни Бағдодга кўчириб мамлакатнинг шуҳрати сўна бошлади. Сўнгра уни салжўкий турклар босиб олишди. Ўн биринчи асрга келиб, Фарбий Оврупа салибчилари Шом ерларида тўртта давлат қуришди. 1290 йили султон ал-Ашраф Салоҳиддин Халил салибчиларни тор-мор қилганидан кейин, бу элда мамлуклар ҳукмронлиги бошланди. 1401 йили Шом ерларини Амир Темур қўшинлари забт этди. 1516 йилгача бу ўлка мамлуклар, усмонли турклар, форслар ўртаси-

да талаш бўлди ва ўша йили Усмонлилар салтанатига қўшилиб, тўрт аср мобайнида Истанбул ҳимояси остида яшади.

Шом тараққиётининг чўққиси Ислом ҳазораси (сивилизация)гуллаб-яшнаган даврга тўғри келди. Мамлакат ўзининг сонсаноксиз маъҳад-мадрасалари, таърифи дунёга кетган масжидлари, шифохона ва кутубхоналари, вақф ва хайрия муассасалари билан катта шуҳрат қозонди. Шом хунармандлари ясаган буюм ва ашёларни жаҳоннинг ҳамма еридан келиб харид қилинарди, “Дамашқ пўлати”, “Шом чинниси” дейилса кифоя, ҳеч ким сифатини суриштирмасди. Соҳибқирон Амир Темур ҳам шомлик хунарманд ва меъморларни Самарқандга таклиф қилгани бежиз эмас.

Бутун Ислом ўлкаларида бўлгани каби, султонлар, волийлар Шом ерларини масжид-мадраса, карвонсаройи, вақфларга тўлдириб юборишган эди. Дамашқда Нуриддин аш-Шаҳид асос солган “Нурия”, Ҳалабдаги “Шаъбонийя”, “Усмонийя” мадрасаларининг довуғи дунёни тутди. Ан-Наъимийнинг “Ал-Дорис фит-тарих ал-Мадорис” китобида ёзилишича, биргина Дамашқнинг ўзида Қуръони карим ўргатадиган етти, ҳадисдан таълим берадиган ўн олтига, олтмиш учта шофеъийя фикҳини, эллик иккита ҳанафийя фикҳини, тўртта моликийяни, ўн битта ҳанбалийя фикҳини ўргатадиган мадраса бўлган.

Шифохона ва хайрия муассасалари ҳақида гапирмасам ҳам бўлаверди. Биргина мисол: одил подшоҳ, султон Нуриддин аш-Шаҳид 549 ҳижрий санада (милодий 1154) Фарб подшоҳларининг бирдан фидя сифатида олган молга қурдирган маҳобат

ли ва гўзал “Ан-Нурий ал-Кабир” шифохонаси фақат камбағал-мискинларга хизмат кўрсатарди. Керакли дори-дармонлар, озиқ-овқат бепул тарқатиларди. Бир аҷамий киши “Ан-Нурий” шифохонасига кириб, табибларнинг кўплигини, касалларга яхши эътиборни, озиқ-овқат, кўрпа-тўшак ва бошқа фазилатларни кўрган ва табибларнинг билимини синамоқчи бўлган. Ўзини касалга солиб, шифохонада уч кун ётиб қолган. Бош шифокор касалини аниқлаш учун бир неча марта хузурига кирибди. Томирини ушлаб кўргач, соппа-соғ бўлиб, табибларни синаш учун келганини тушунган, унга тотли таомлар, товۇқ гўшти, ширинликлар, шарбат ва мевалар беришни буюрган. Уч кун ўтгач, кўлига қуйидаги сўзлар ёзилган қоғозни тутқазишган: “Бизда меҳмондорчилик уч кундир”.

Султон Салоҳиддин Аййубий Дамашқдаги қалъа эшикларидан бирида сут, бошқа бирида эса шакарли сув оқадиган нов қилиб қўйдирган. Ҳафтада икки марта оналар келиб, гўдакларига керакли сут ва ширин сув олиб кетишган... Дамашқдаги ҳозирги ўйингоҳ ўрнида ўшанда “Маражул-ахзар” вақфи бўлиб, унда хаста ёки қарилги учун эгалари ҳайдаб юборган ожиз от, туя каби ҳайвонлар боқиб, муолажа қилинган. Улар бу ерда ажаллари етунича парваришланган.

Шомда илм-фан қанчалик гуллаб-яшнаганини кутубхоналар мисолида ҳам кўрса бўлади. Халифа ва волийлар ташкил этган улкан кутубхоналарни кўятурайлик-да, шахсий китоб хазиналаридан сўзлайлик. Ҳалабдаги Уламолар кутубхонаси ота-бола Жародаларга тегишли бўлган. Учта жавонни тўлдирган нафис китобларни Абул Ҳасан ибн Жарода, қолган битта жавондагини ўғиллари Абул Баракот ва Абдуллоҳ ёзишган. Ал-Муваффиқ ибн ал-Матрон ад-Дамашқийнинг ҳам кутубхонаси ниҳоятда машҳур бўлган. Биргина тиббиётга доир китоблар сони ўн мингга етган. Унинг хизматида уч нуусоҳ (нус-



ха кўчирувчи) тинимсиз китоб ёзишган. Уларнинг маош ва таомларини ал-Муваффиқнинг ўзи бериб турган...

Бир неча йил муқаддам камина Шои шарифни зиёрат қилган эдим. Аввал Ҳалаб шаҳрида бўлиб, Сурия сув хўжалиги иншоотлари қурилишида ишлаётган ўзбекистонлик мутахассислар билан учрашдим. Кейин Хумс шаҳрида Расулulloҳнинг (с.а.в.) саҳобаларидан саркарда Холид ибн Валид қабрларини зиёрат қилдик. Шундан сўнг Дамашққа бориб, бу афсонавий шаҳар меҳмони бўлдик. Бизни “Абул-Нур” масжиди имоми ва мадраса директори Маҳмуд Кефтори жаноблари кутиб олдилар. Масжид қошида мадраса ва Ливия Ислоҳ даъвати дорилфунунининг куллийети ишлаб турибди. Унда жаҳоннинг 30 мамлакати, шу жумладан, Марказий Осиё давлатларидан ҳам талабалар таҳсил кўришяпти. Дамашқда бўлганимизда Ҳазрати Алининг (қ.в.) қизлари Биби Зайнаб, Яҳё алайҳиссалом ва саҳоба Ҳабаший Билол қабрларини, Ислоҳ оламидаги ўн улкан масжиднинг бири — “Масжид ул-Кабир”ни зиёрат қилдик. Масжид хонақоҳнинг узунлиги 135 м., эни 33 м. У 1300 йил муқаддам умавийлар даврида қурилган.

Эртаси жума куни Сурия бош муфтийи Аҳмад Кефтори “Абул-Нур” масжидида минглаб намозхонларга икки соатли дарс ўтдилар. Муфтийнинг дарслари ҳар гал телевидение орқали бутун мамлакатга намойиш қилинар экан. Жума намози олдида пайғамбарлар, саҳобалар, уламолар, авлиёлар ва шайхлар ҳаққига номма-ном дуои фотиҳа бошланди. Ана шу номлар орасида Мовароуннаҳр заминидан етишиб чиққан Имом Бухорий, Имом Термизий, Абулқосим Замахшарий, Қаффоли Шоший, Баҳоуддин Нақшбандий, Бурҳониддин Марғинонийларнинг номлари зикр қилинганида қалбимиз ифтихорга тўлди. Жума намозидан сўнг Аҳмад Кефтори ҳазратлари билан учрашдик. Суҳбат чоғида ўзбекистонлик мусулмонлар ҳаёти, нақшбандийа тариқатининг издошлари билан қизиқиб, саволлар бердилар... Дарвоқе, Сурия аҳолисининг 82 фоизи мусулмон, шундан 68 фоизи суннийлар, 14 фоизи шиалар. Шунингдек, бу юртда друзлар, исмоилийлар, насронийлар ҳам бор.

Сурияда саноат ва қишлоқ хўжалиги тенг ривожланмоқда. Бу ерда ерости маъданларидан нефт, туз, фосфат қазиб олинади. Нефтни қайта ишлаш, кимё, кўн-пойафзал саноати, ҳунармандчилик анча тараққий этган. Аграр соҳада чорва, ғалла маҳсулотлари, шунингдек, пахта, сабзавот, мева, зайтун етиштириш алоҳида ўрин тутади.

Аҳмад ТУРСУН

Мавзуга оид суратлар муқованинг 3-бетига:

1. Дамашқ. Умавийлар даврида қурилган жомеъининг ички кўриниши.
2. Халабдаги тўртбурчак миноралли масжид.
3. Дамашқ. Нуриддин мажмуаси.
4. Халабдаги қаср.
5. Халабдаги қаср (олд томони).
6. Эски Халаб.
7. 1235—1241 йилларда Халабда қурилган Ал-Фирдавс мадрасаси.